

ADOLAT

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 2 (963) • 2014-yil, 17-yanvar, juma

2014 йил —
Соғлом бола йили



Осойишталигимизнинг мустақкам қалқони

➤ **Муносабат**

Юртбошимизнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида билдирилган фикрлар кўнглимизни янада ғурур ва ифтихорга тўлдириди, аини пайтда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликнинг, осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, ҳамиша хушёр ва сергак бўлишга даъват этади.

Дарҳақиқат, инсон учун кўнгли хотиржамлигининг ўзи энг бебаҳо неъматлардан биридир. Бундайин неъматга эса фақат элда тинчлик, тотувлик ва осойишталик орқали эришилади.

Этироф этиш керак, бугунги кунда дунёда ва ён-атрофимизда юз бераётган мижро ва тўқнашувлар, кўшни Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани, террористик кучларнинг бош кўтарётгани, сарҳадларимиз яқинида турли хавф-хатарларнинг кучайиб бораётгани юртимизда тинчлик-осойишталигимизни асраш борасидаги чора-тадбирларни янада мустақамлашни тақозо этади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кенг кўламли ва тизимли ишлар олиб борилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Зеро, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликдан, халқимизнинг турмуш даражаси ошиб бораётганидан манфаатдор бўлмаган, юртимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқарадиган, миллий манфаатларимизга таъжуб қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам йўқ эмас.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунлардан энг олиий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очик-ойдин баён этганмиз. Бу мақсадларга эришишда шубҳасиз миллий армиянинг ўз ўрни бор.

Утган 22 йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши мўқаррар бўлган машаққатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва бартароф қилишга интилиб келмоқдамиз.

Хусусан, Юртбошимиз томонидан авваламбор халқимиз ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини қалтис, ўта мураккаб, ҳаёт-мамотимизни халқ қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топишга олоҳида эътибор қаратилаётди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кенг кўламли ва тизимли ишлар олиб борилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Зеро, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликдан, халқимизнинг турмуш даражаси ошиб бораётганидан манфаатдор бўлмаган, юртимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқарадиган, миллий манфаатларимизга таъжуб қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам йўқ эмас.

2 ➤

Ёшлар — бизнинг фахримиз

Бухоро шаҳридаги “Ёшлик” спорт мажмуасида мунтазам ўтказилаётган волейбол, велоспорт, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика бўйича машғулотлар олти юзга яқин ўғил-қизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилмоқда.

Мажмуа залларининг спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланганлиги, машғулотларга ўндан зиёд маҳкали мураббийлар бош-қошлиги ва белги-ланган режа асосида ўтказиб келинаётган спорт беллашувлари


ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшларимиз орасида нафақат мамлакатимиздаги нуфузли мусобақаларда, балки халқаро беллашувларда ҳам муваффақиятли иштирок этаётган ўғил-қиз-

лар кўп, — дейди мазкур спорт мажмуаси мураббийси Гулсанам Норова. — Улар — бизнинг фахримиз!

Суратда: бадиий гимнастикачи Фарангиз Кароматова.

Т.ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.



➤ «Ёш адолатчилар»

Партиядошимиз — Президент стипендианти

Андижон давлат тиббиёт институти еттинчи босқич талабаси, Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Аҳрорбек Адашалиев Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлди.

Хушxabарнинг қаноти бор, дейдилар. Аҳрорбекнинг бундай юксак ишончга лойиқ топилганлиги ҳақида ҳам бутун институт жамоаси ва балиқчиликлар жуда тез хабар топишди.

5 ➤

Камчиликлардан хулоса чиқариш пайти келди

➤ **Депутатлик гуруҳлари**

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва давлат бошқарувидаги иштироки бевосита вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятига, уларнинг сайловчилар ишончини нечоғлик оқлашига боғлиқдир. Шу боисдан сиёсий партиялар сиёсий майдонда энг аввало ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилади.

Бир сўз билан айтганда, партия фаолиятини кучайтиришда, унинг халқ орасидаги обрўнуфузунини юксалтиришда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг жонкуярлиги, фаоллиги, ташаббускорлиги ниҳоятда муҳимдир.

5 ➤

Инсонпарварликнинг муносиб ифодаси

➤ **Амнистия**

2013 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорини қабул қилди. Мана бир ойдан бери мазкур қарорнинг ижроси изчил таъминланмоқда.

4 ➤

Қонун устуворлиги — муҳим тамойил

➤ **Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Биринчи ўқишда депутатлар эътиборга ҳавола этилаётган “Тижорат сири тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама этилди.

2 ➤

Муяссар БЕРДИҚУЛОВА:

«Ўзимни бахтли аёл, деб биламан»



➤ **Таҳририят меҳмони**

Бугунги суҳбатдошимиз миллий кино ва театр соҳасида бир неча йиллардан буён муваффақиятли фаолият юритиб келаётган, 2013 йилда Ўзбекистонда хизмат қилган артист унвонига эга бўлган, жозибадор, мафтункор актриса — Муяссар Бердиқулова. Биз Муяссар опа билан у кишининг ижодий ҳаёти, фильмларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва бошқа бир қатор қизиқарли мавзуларда суҳбатлашдик.

8 ➤

Очиқлик ва ошкоралик акциялар бозорини ривожлантиради

Сўнги йилларда гуноб иқтисодиётига кузатилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар ҳамда мамлакатимиздаги модернизациялашув жараёнлари соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу боисдан, Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берар экан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда кузатувчилар кенгашлари умумий йиқилишлари тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлашга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган эди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари янги қонун лойиҳасига партия дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқдалар



Каримова К.З.

ган баъзи муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўрганиш натижасида, уни янада такомиллаштириш бўйича асосий йўналишлар белгиланган бўлиб, улар қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишда инобатга олинган.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши акциядорлик жамиятлари фаолиятини жадаллаштириш ҳамда уларнинг бошқарув ва назорат органларининг жавобгарлигини ошириш, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш институтини яратиб имконини беради, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга қонун лойиҳаси республикада корпоратив муносабатларнинг янада ривожланиши учун тўққинчи қилаётган давлатлар амалиёти шундан далолат берадики, акциядорлик жамиятларининг молиявий хўжалик фаолиятида «очиқлик, ошкоралик» ва шаффофлик таъминланса, янада аниқроқ айтганда, ҳар бир акция соҳибига жамиятнинг қанча даромад

олаётгани-ю, ўзига қанча фойда қолиши ҳақида аниқ маълумотга эга бўлсагина соҳа тараққий этади. Яъни, бошқарувда очиқлик ва ошкоралик таъминланса, бу ўз навбатида акциядорлик бирламчи ва иккиламчи бозори ривожига хизмат қилибгина қолмай, фуқароларнинг маъруз соҳадан даромад топишга бўлган ишончини ривожланиши учун биринчи навбатда бозорга нисбатан аҳолининг ишончини ошириш керак, акциялар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш бўйича фақатгина умумий характердаги назорат асослар ва таҳлиллар билан чекланиб қолмасдан, уни ривожлантириш механизмлари ҳақида аниқ, асосланган таҳлилларни илгари суриш зарур назаримизда.

Ривожланган давлатлар амалиёти шундан далолат берадики, акциядорлик жамиятларининг молиявий хўжалик фаолиятида «очиқлик, ошкоралик» ва шаффофлик таъминланса, янада аниқроқ айтганда, ҳар бир акция соҳибига жамиятнинг қанча даромад

олаётгани-ю, ўзига қанча фойда қолиши ҳақида аниқ маълумотга эга бўлсагина соҳа тараққий этади. Яъни, бошқарувда очиқлик ва ошкоралик таъминланса, бу ўз навбатида акциядорлик бирламчи ва иккиламчи бозори ривожига хизмат қилибгина қолмай, фуқароларнинг маъруз соҳадан даромад топишга бўлган ишончини ривожланиши учун биринчи навбатда бозорга нисбатан аҳолининг ишончини ошириш керак, акциялар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш бўйича фақатгина умумий характердаги назорат асослар ва таҳлиллар билан чекланиб қолмасдан, уни ривожлантириш механизмлари ҳақида аниқ, асосланган таҳлилларни илгари суриш зарур назаримизда.

Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг ўз қараш ва таклифлари маъжуд. Яъни, ҳар бир акция эгаси (шу жумладан, майда акция эгалари) корхона фаолияти юзасидан маълумотга эга бўлиши, корхонанинг қўлдан қўйиладиган зарари ҳисобига ҳабардор бўлиши ис- тайди. Шу боисдан партиянинг бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик таъминлашга

доир дастурий ғояларидан келиб чиқиб, фракция аъзолари корпоратив бошқарув тизимида ҳам айнан ушбу тамойилнинг устуворлигини таъминлаш зарур, деб ҳисоблайди.

Бу ўз навбатида ижтимоий адолат принципларининг таъминлигини ҳам аниқлатади.

Шунингдек, акциядорлик жамиятлари молиявий хўжалик фаолиятининг очиқлиги ўз навбатида ХДП фракцияси аъзоларини ташвишга солаётган иккиламчи бозордаги акциялар нархининг сунъий баҳола- ниши ҳамда спекуляция (чайқовчилик) юз бериши мумкинлиги ҳусусидаги ҳавотирларга барҳам беради.

Қайд этиш жоизки, «Адолат» СДП фракцияси аъзолари акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ахборот очиқлигини ёқлаш билан бир қаторда айни пайтда акциядорлик жамиятини тижорат, технологик ва ишлаб чиқариш сирини таъминлашни тарафдор ҳисоблайди.

Шу билан бирга янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси мухокамаларида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси «Ислохот

ислохот учун эмас, инсон манфаатлари учун» тамойилига риоя қилган ҳолда иштирок этмоқдалар.

Шу боис партияимиз фракцияси аъзолари миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатлари, уларнинг жамият бошқарувидаги иштирокига имкон берадиган механизмни жорий этиш орқали таъминлигини муҳим, деб ҳисоблайди. Бундай механизм жамият бошқарув органлари тузилмаларидаги миноритар акциядорлар қўмитаси манфаатларини ҳимоя қилувчи, акциядорлар томонидан сайланган ва акциядорларнинг умумий йиқилишига ҳисобдор махсус орган ташкил этиш орқали амалга оширилиши керак. Улар функциясига жамият томонидан миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатларига зид равишда имзоланган қарорлар бўйича ҳуқуқдорларни чиқариш, акциядорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш вазифаларининг юклатилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Дарҳақиқат, қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу сабабли депутатлар қонун лойиҳасини яна бир бор танқидий кўриб чиқиб, партия дастурий мақсадлари, электротар манфаатларини йодолашга хизмат қилувчи бир қатор асосланган тақлифларни ўртага ташламоқдалар.

Мавлуда НИШОНОВА,
Тўлқин АБДУСАТТОВ
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари

Осойишталигимизнинг мустаҳкам қалқони

Давоми. Боши 1-бетда

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани оғоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг муҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жиپслаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари, улкан қурилиш ва иншоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч қутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига қўлга киритилаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган ҳар хил офатларни сезмай қолишимиз мумкин. Ваҳоланки, бепарволик, эътиборсизлик қанчалар қимматга тушиши биз Яқин Шарқ ва Африка давлатлари мисолида, турли сохта инқилоблар, олов ичида ёнаётган давлатлар мисолида яққол кўриб турибмиз.

Энг аввало, тажовузкор, ақидапараст кучлар диннинг муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб дунёвий давлатларни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар. Бундай уринишлар бизнинг мамлакатимизга ҳам ёт эмас. Уларнинг ортида ай-



ЎЗА

рим чет мамлакатларда жойлашган, давлатларни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турганлиги сир эмас. Уша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган айрим инсонлар мамлакатимизга хавф солмаяпти, деб айтолмай- миз.

Яна бир хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмай- диган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмрон- лик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртошимиз кўп бора таъкидлаганларидек, биз халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъий ҳаёт-мамлатимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маънавий талаб этди.

зўравонлик қилиш даъволари- ни рад этган ҳолда Ўзбекистон аввало, яқин кўшнлар ва дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб бораёпти.

Бир ўйлаб кўрайлик. Бизга эски тузумдан пахта яккахокими- лиги, захарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқда- ги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Ай- никса, мамлакат ҳавфсизлиги- ни таъминлаш, ички сиёсий ва- зиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини таш- қил этиш, миллий валюта жо- рий этилгунга қадар бўлган мо- лодий муаммолар сингари ҳаёт-мамлатимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маънавий талаб этди.

Шуқри, халқимиз ана шу оғир йиллар синовидан Юрт- бошимизнинг узоқни кўзла- ган

сиёсати туфайли бировга тобе- қарам бўлмай омон-эсон ўтиб олди. Бугун бу ҳақиқатни халқ- аро ҳамжамият «Ўзбек модели» сифатида эътироф этмоқда.

Ҳозирги энг муҳим, энг дол- зарб вазифа — жамиятимиз аъзоларини, авваломбор, во- ярга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қал- бида миллий ғоя, миллий маф- кура, ўз Ватанига меҳр-садо- қат туйғусини янада кучайти- риш, Қуролли Кучларимиз билан гурурланиш ва ҳарбий ҳиз- матга хурмат туйғусини тарби- ялашдан иборатдир. Табриқда қайд этилганидек, ҳарбий ҳиз- мат, ҳарбий кадрларни тайёр- лаш ва армияимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ис- лохотлардан мамлакатимиз фу- қароларини хабардор этишда оммавий ахборот воситалари- нинг ўрни бекиёс. Бундай дол- зарб ва узоқ мuddатга мўлжал- ланган вазифаларни амалга оширишда биз магбуот ва ОАВ

вакиллари Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, кенг жамоатчи- лик вакиллари, маданият, санъат ва спорт намоёндалари- га ўз фикрини билдириши учун кенгроқ минбар бериши- миз зарур.

Ўз дастурий ғояларидан Ўзбекистон «Адолат» социал- демократик партияси Ўзбекист- онни кучли, обрўли, тинчлик, миллатлараро тотувлик ва иж- тимоий адолат ҳукми сурадиган давлат сифатида кўриш, фуқа- роларда Ватан тақдирига ало- қадорлик ҳиссини тарбиялаш- га қўмақлашишни мақсад қил- гани ҳолда мамлакатимиз раҳ- бариятининг минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъ- минлаш борасида илгари су- раётган таклиф ва ташаббус- ларини қўллаб-қувватлайди ва унинг ижроси йўлида олиб бо- рилаётган кенг қўлмали ишлар- да фаол иштирок этишга ин- тилимоқда.

Хусусан, бу борада ёшлар- ни ватанпарварлик, она Ватан- га садоқат руҳида тарбиялаш ишида партиянинг барча да- ражадаги тузилмалари, «Ёш адолатчилар» ва «Аёллар қано- ти» фаоллари тарғибот тадбир- лари, учравуш ва давра суҳ- батларининг таъсирчанлигини ошириш ишига бирламчи ва- зифа сифатида эътибор қарати- шлари керак. Шундагина бу каби тадбирлар юртимиз тинч- лиги, халқимиз осойишталиги ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш бўйича мамлака- тимизда олиб борилаётган сар- сар-ҳаракатларни жамоатчи- ликка ва партия электорати ўртасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш ишига хизмат қилади.

Абдували СОЙБЕЗАРОВ

Қонун устуворлиги — муҳим тамойил

Давоми. Боши 1-бетда

Таъкидланишича, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқа- ролик кодекси қонунларига асосланган ва тижорат сирини ҳимоя қилиш мақомида белги- лайди ҳамда «Ўзбекистон Рес- публикаси қонунларини тайёр- лаш тўғрисида»ги, «Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»- ги, «Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғриси- да»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига му- вофиқ ишлаб чиқилган.

Махфий ахборот, тижорат сирини ва бирор сирининг тури тўғрисидаги қонунчилик норма- лари Ўзбекистон Республикаси- нинг бир қатор кодекси ва қонунларида акс этган. Бироқ ушбу масалада ҳуқуқий ёнда- шувларнинг турли-туманлиги ва тижорат сирини ҳимоя қилиш институтининг мазмуни қонун ҳужжатларида бир хил маъно- да акс этмаган. Норматив- ҳуқуқий базанинг етарли эмас- лиги ва ушбу соҳада бир қатор масалаларнинг етарли даража- да ўрганилмаганлиги боис ҳар доим ҳам махфий ахборотнинг сақланишини таъминлай олиш, тижорат сирини эгаллик қилиш ҳуқуқини қайтариб олиш имко- ни бўлмайди.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси тижорат фа- олияти билан шуғулланувчи ҳар қандай корхонанинг ўзига те- гишли ҳужжатлари ва ахборот- ни сир сақлашга оид ҳуқуқла- рини тартибга солишга ҳамда ҳўжалик субъектларининг самар- али фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитларни яра- тиш, келгусида соҳага ахборот технологиялари ва ишлаб чи- қариш янгиликларини жорий қилишга хизмат қилишни таъ- кидлаган ҳолда Ўзбекистон

«Адолат» СДП позициясидан келиб чиқиб, ўз тақлифларини бил- дирдилар ва уни маъқулладилар.

Депутатлар шунингдек, «Ак- циядорлик жамиятлари ва ак- циядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону- нига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойи- ҳасини иккинчи ўқишда муҳо- кама этилди. Мамлакатимиз- да демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқа- ролик жамиятини ривожланти- риш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида ишлаб чи- қилган қонун лойиҳасида акци- ядорлик жамиятларини ташкил этиш, устувор фонднинг шакллан- тириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлаш, жа- миятнинг ақолиларини оммавий тақлиф этиш йўли билан жой- лаштириш, бошқарув ор- ганларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, ми- норитар акциядорлар ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларининг ҳуқуқий ме- ханизмлари аниқ белгиланмоқда. Шу билан бирга, акциядорлар ва потенциал инвесторларнинг акциядорлик жамиятининг фао- лияти тўғрисидаги ахборотни олиш имкониятлари ҳам лойи- ҳада ўз аксини топган.

Шунингдек, янги қонун ло- йиҳаси акциядорлик жамиятла- рини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш ҳамда акциядорларнинг ҳуқу- қини ҳимоя қилиш билан бог- лиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва те- гишли қарорлар қабул қилинди.

Илбс САХАТОВ,
«Адолат» муҳбири

Янги авлод келажагига кафолат

➤ «Аёллар қаноти»

Ҳар бир ривожланган қудратли давлат энг аввало унда истиқомат қилаётган аҳолининг жисмонан ва руҳий соғломлик даражаси, интеллектуал салоҳияти, замонавий билим ва кўникмалари, дунёқараши, юксак маданияти, маънавияти, келажакка дағил интилиши билан ажралиб туради. Ҳақиқий маърифатли одамгина ўзи, яқинлари, Ватани, халқи, миллати, эл-юрти қадрини, озодлик ва мустақиллик қимматини чуқур ҳис қила олади, уни эъзозлайди, фидойиликка, фақат эзгуликка интилиб, жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдор бўлиб яшайди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг зиммамизга юксак масъулият юклаган "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", деган пурмаъно сўзларини яна бир бор тилга олмоқчиман.



Соғлом бола йилдан кўзланган асосий мақсадлар билан уйғунлашиб кетган бу сўзлар жамиятимиз барча фуқаролари зиммасидаги, энг аввало, инсонни бунёд этишга масъул ва лаёқатли бўлган аёллар, оналар, бўлажак оналар — хотин-қизлар елкасидаги ўта жиддий масъулиятни бизга доимо англашиб, эслатиб туради.

Тарихдан яхши маълумки, бизнинг аёлларимиз, момоларимиз, оналаримиз азал-азалдан улуғлини, қадрлини келтирган. Ўзбек хотин-қизлари энг шарафли, энг эзгу, шу билан бирга ўта мураккаб вазифаларни енчиша қодир бўлишган. Барча замонларда ҳам уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли сезилиб турган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда она ва болага катта ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Аҳолини, оилани, оналик ва болаликни, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Ўтган йилларда республикаимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, унга муносиб турмуш шароитларини яратиш, бунда барча учун муқаддас ва азиз бўлган оиланинг марказини, салоҳиятини, моддий фаровонлигини ошириш каби долзарб масалалар ўз ечимини топмоқда. Жамиятимиз кўзгуси, гўзал ва фаровон ҳаётимиз зийнати бўлган аёлларимиз, муҳтарам оналаримизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб,

уларнинг мақоми юксалаяпти, нуфузи ортиб бормоқда. Давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кучаймоқда. Яъни, ҳолисона айтганда юртимиз хотин-қизларининг мактеби, обрўси ҳар қандай хорижий давлат аёллари ҳавас қилса арзийдиган даражада ортиб борапти.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, 1995 йилнинг 6 майида БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция"ни ратификация қилган. Бу муҳим ҳаётий ҳужжатлар бугунги кунда аёллар, оналар турмушини яхшилаш, уларнинг эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлигини муҳофаза қилиш, оилалар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Умуман, мустақиллик йилларида юртимиз хотин-қизлари манфаатларини, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига йўналтирилган 100 дан ортиқ янги қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон аёллар аҳолини яхшилашга оид ўнлаб Халқаро Конвенциялар ва декларацияларга қўшилди.

Шу билан бирга ҳали олдимизда бир қатор муҳим вазифалар турибди. Кўзлаган мақсад, орзу-ниятларимизга эришиш учун адолатли, билимдон, тўғри йўлдан чалғимайдиган, миллат ишончини оқлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган, олий ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига талаб ортмоқда. Ҳозирги таҳликали замонда фарзандларимиз, во-

рисларимиз ҳақон ҳамжамиятига мўътадил интеграциялашиб, ҳеч кимдан кам ва ҳеч кимга қарам бўлмасдан яшаши, юқорида қайд этиб ўтилганидек, комил инсонга хос бўлган барча фазилатларга эга бўлиши юртимиз оилаларидаги маънавий муҳит, шарт-шароитга, маърифий зиё даражасига, аваламбор, болаларни дунёга келтириб, камол топтирадиган оналарнинг ўз оиласи ва жамиятдаги мактебига, маънавияти, дунёқараши, савияси, ижтимоий-сиёсий жихатдан етуқлик даражасига бевосита таъсир қилмоқда. Шундай экан, "Соғлом бола йили"да амалга ошириладиган ишларининг барақали бўлиши учун иштирокичи янада оширишга, улар учун оила ва жамиятда имкониятлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган юмушларимиз ҳам катта маъмул-моҳиятга, салмоққа эга бўлмоғи лозим.

Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила аёл меҳнатидан бунун жамият манфаатдор. Бундай аёлнинг оиласи осойишта ва барқарор бўлади, жамиятга катта наф келтиради. У дунёга келтириб, тарбиялаган фарзандлар эса эл-юрт хизматига ҳамиша шай туради. Биз ўз болаларидаги ноёб қобилият ва истеъдодни вақтида пайқаб, юзага чиқаришга қодир бўлган аёллар муаммоларини ҳал этишга қанчалик кўп эътибор берсак, фаоллиги, доно ва зукколигидан нафақат оиласи, балки бутун жамият манфаатдор эканлигини фуқароларимиз онгига чуқур сингдирсак, жамиятнинг бугунги ва эртаси учун ҳар биримиз дахлдор эканлигимиз

ни қанчалик чуқур ҳис этсак — ҳақиқий баркамол авлодни, элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Шу ўринда қайд этилиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун яратилган имкониятлар, тегишли ҳуқуқий асослардан ўз ўрнида, ўз вақтида ва тўлиқ фойдалана олмаётганимиз ҳам бор гап. Бунинг асосий сабаби аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси етарли эмаслигида.

Демак, "Соғлом бола йили"да "ги саъй-ҳаракатларимизнинг барақали бўлиши учун жойларда нафақат ёшларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид, балки хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасига таъсир қилган барча меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашга жиддий эътибор беришимиз ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий-сиёсий фаолликларини оширишга қаратилган аниқ мақсадли амалий тадбирларни жойларда юксак савия ва кенг қўламда ташкил қилишимиз фойдадан холи бўлмаслигини унутмаслигимиз зарур.

Келажакимиз ворисларини бунёд этиб, вояга етказадиган бош тарбиячи — аёлнинг муқаддас номига доғ туширадиган турли иллатлар билан биз асло муроса қила олмаймиз. Соғлом турмуш тарзи ҳар биримизнинг ҳаётимизни беэҳтирак, деб ҳисоблаймиз. Зеро, жамиятимиз тақдирини ишониб топшириладиган янги авлод камолотига ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Фарзандларимиз

келажаги, тўғрироғи, миллатимиз тақдирини, "Соғлом бола" масъулияти шуни тақозо этади. Табиийки, мазкур йўналиш бўйича партияимизнинг "Аёллар қаноти" Кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари фаоллигини янада ошириш ва кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифалардандир.

Ҳозирги маромни сусайтирмасдан, фуқаролар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдиришининг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, аёллар ўртасидаги муаммолар, касалликларни ўрганиш, уларнинг кўрсаткичлари, турлари, келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари иштирокида таҳлил қилиш, профилактика чораларини кучайтириш миллий генотонд саломатлиги даражасининг янада яхшиланишига олиб келади. Бу эса одамларимизнинг умр кўришини янада узайтириш билан бирга жамиятимизда комил инсонлар кўпайишига туртки бўлади.

Зеро, барчанинг фаровон ҳаёт кечирishiга кафолат бўладиган ижтимоий адолатни қарор топтиришни фақат комил инсонларгина, юксак интеллектуал салоҳиятга, замонавий билим ва тафаккурга, ўзининг мустақил ҳаётий позициясига эга бўлган авлодгина рўёбга чиқариши мумкинлиги айна ҳақиқатдир.

Зухро БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси

Бунёдкорлик ишларида ҳиссамиз борлигидан ғурурланамиз

➤ Ислохотларга кўмакдош

Мамлакатимизнинг барча жойларидаги бўлгани каби қириб келган янги — 2014 йил арафасида Қорақалпоғистонда ҳам эл-юрт раънақи, ёш авлод камолотига хизмат қиладиган янги ижтимоий бинолар қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Азал-азалдан истеъодлар юрти ҳисобланган Қонлиқул туманида ҳам келажакимиз эгалари ҳисобланган ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси сифатида 150 ўринга мўлжалланган икки қаватли болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжал-

ланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида бунёд этилган санъат мактабида барча замонавий шароитлар яратилди.

Бешта йўналиш — миллий мусиқа санъати, халқ чолғу асбоблари, ракс, эстрада ва каштачилик бўйича 150 нафар ўқувчи мусиқа ва санъат сирларини кунт билан ўрганмоқда. Замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилган янги бинода 210 ўринли концерт зали, ҳар бир йўналиш бўйича махсус жиҳозланган синфхоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилди.



Барча қулайликларга эга мактаб қурилиши «Давр-қурилиш» МЧЖнинг қўлигил қурувчилари томонидан амалга оширилиб, ўз вақтида битказилди ва унда қурувчи партия-дорларимизнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, «Давр-қурилиш» МЧЖда бугунги кунда 18 кишидан иборат «Адолат» СДП бошланғич ташкилоти тузилган. БПТга уюшган

қурувчиларнинг барчаси ўз ишидан, партия сафида туриб эл-юрт раънақи ҳисса қўшаётганлигидан қалби фаҳрга тўла.

Мактабнинг очилиш маросимида сўз олган туман ҳокимияти вакиллари, «Давр-қурилиш» МЧЖ раиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоли, Нукус шаҳар кенгаши депутати Р.Ибрагимов, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси кенгаши раиси биринчи ўринбосари Р.Отарбаевлар мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва юксак эътибор ҳақида атрафлича сўз юритдилар.

Биз учун энг қувонарлиси, мана шундай эзгу ишлар бошида партияимиз фаоллари ва аъзолари ҳам бош-қош бўлиб, ўз меҳнатлари, жонқуярликлари билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар.

Мактабнинг очилиш маросимида қурилиш ишларида жонбозлик кўрсатган, партияимиз аъзолари ҳисобланган ишчи-хизматчиларга туман ҳокимиятининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Шарипа ТОРЕШЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

➤ «Аёллар қаноти»

Юртимизда оила соғлиғи, она ва бола саломатлиги мунтазам муҳофаза этилмоқда. Соғлом оилани бунёд этиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларимизнинг барча жабҳалардаги фаоллигини ошириш борасидаги ишлар йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда.

Зиммамиздаги масъулият

янада ортмоқда

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир йилнинг ўзига хос тарзда қабул қилинаётган Дастурларда ҳам она ва бола ҳимоясига алоҳида урғу берилмаётгани фикримизнинг яққол исботидир. Зеро, соғлом болани ҳар томонлама соғлом, етуқ оналаргина дунёга келтиради. Шундай экан, тинч ва осойишта Ватанимизда умргузаронлик қилиб, ҳаётнинг турли жабҳасида фаолият кўрсатаётган, ўзи ва фарзанди тақдирини мамлакат тақдирини билан боғлайдиган ҳар бир аёл эъзозга лойиқдир.

Шу маънода, ўз Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини ислох этишда иштирокини кучайтириш ва болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалаларини илгари сурадиган Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг ҳудудий ташкилотлари, айниқса, «Аёллар қаноти»нинг ҳар бир фаоли бугун «Соғлом бола йили»да бажа-

соғлом бола», "Оила соғлом экан, юртимиз барқарор", "Репродуктив саломатлик — соғлом турмуш гарови" каби мавзуларда ташкил этилган ўнлаб тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Сабаби бу каби тадбирларни ўтказишда фақатгина маърузабозликка берилмасдан, замонавий технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга эришилди. Қолаверса, бугунги куннинг энг долзарб масалалари ҳам бу каби тадбирларда ўз ифодасини топди. Айниқса, уларда ёшларнинг балоғатга етмай, эрта турмуш қуриши, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш борасидаги муаммолар ҳам дадил кўтарилди. Бундан ташқари, мазкур тадбирлар орқали хотин-қизларимизни юртимизда рўй бераётган янгилашлардан хабардор қилиш, жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган қонунларимизнинг туб моҳиятини уларга етказиш,



риш лозим бўлган юмушлар, мақсад ва режалар устида бош қотириб, ўзи учун дастурий вазифаларни белгилаб олиши талаб этилмоқда. Зеро, миллатимиз кўзгуси, келажакимиз таянчи бўлмиш болалар соғлиғи, уларнинг дурқун униб ўсиши, вояга етиши, фарзандларимиз бахту иқболи, камолди йўлида қилинган бу иш зиммамизга катта масъулият юклайди. Шу билан биргаликда ишга янгича ёндошиб, партия фаолиятини янада кучайтириш, туб ўзгаришлар ва янгилашлар жараёнида фаолликни ошириш, барча соҳаларда, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашда ташаббускорлик кўрсатишга эришиш ҳудудий ташкилотлар олдида турган долзарб вазифага айланди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши таркибида уч минг нафардан ортиқ хотин-қизлар жамланган. Улар партия дастури ва уставига аёллар масаласида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш билан биргаликда кенгашнинг "Аёллар қаноти"га таянч бўлишмоқда.

Ўтган "Обод турмуш йили"да Сирдарё вилояти партия кенгашининг "Аёллар қаноти" кўпала партиявий тадбирларни ўтказишда фаоллик кўрсатди. Жумладан, "Соғлом она —

аёллар, хотин-қизлар фаоллигини оширишга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгашидаги партия аъзоларининг катта қисmini ташкил этаётган хотин-қизларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки тобора фаоллашиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда Сирдарё вилоят партия кенгашининг маҳаллий кенгашлардаги 23 нафар депутатидан тўрт нафари аёллар. Қолаверса, партияимиз аъзолари ҳисобланган хотин-қизларнинг кўпи эндиликда давлат ҳокимияти органларида турли вазифа ва лавозимларда ишламоқда. Яъни, улар партиянинг асосий кучига айланиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, сафаримиз салоҳиятли, дастурий гоёларимизни қўллаб-қувватлайдиган, ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлган хотин-қизлар билан кенгайиб бораётган айна пайтда жамиятимизда юз бераётган ўзгариш ва янгилашларга ҳамонах равишда зиммамиздаги масъулият ҳисси ҳам ортиб бормоқда.

Тожиқон ҒАФФОРОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши «Аёллар қаноти» раиси

Инсонпарварликнинг муносиб ифодаси

Давлат, бошқа 1-бунда

Амнистия — грекча "amnestia" сўздан олинган бўлиб, эсдан чиқариш, кечирини, гуноҳдан ўтиш маъноларини англатади. Амнистия тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида ҳам амнистияга оид ҳужжатлар қабул қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга мисол сифатида буюк саркарда бобокалонимиз Амир Темурининг "олтмишдан ошган отадан ош сўрама" ёки "биринчи марта гуноҳ қилган шахсини гуноҳидан ўттинглар, иккинчи марта гуноҳ қилган шахсини ҳам гуноҳидан ўттинглар, учинчи марта гуноҳ қилган шахсини гуноҳига яраша жазоланглар" деган ўғитларини келтириш мумкин.

Амнистиянинг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Бунга биз мустақиллигимизнинг 22 йиллиги мобайнида мамлакатимизда 24 марта қабул қилинган амнистияларнинг моҳиятидан ҳам англаб олишимиз мумкин. Уларда асосан аҳолининг эътиборга, ҳимояга муҳтож қатлами бўлган аёллар, воёга етмаганлар, кекса ёшлилар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинмоқда.

Одатда жаҳон амалиётида амнистия у ёки бу миллий байрам, мамлакатнинг улкан ютуқларга эришгани муносабати билан эълон қилинади. Бу табиий албатта, чунки ҳар бир инсон табиатида ҳам юксак хурсандчилик, хуррамлик вақтида психологик жиҳатдан унинг саховатпешалиги, бағрикенглиги, меҳрибончилиги ҳар доимидан ҳам кўтаринки бўлади.

Яна бир нарсани айтиб ўтмас бўлмайди, баъзи бир одамлар жазо деганда жиноят содир этган шахсини қийноққа солиш, хўрлаш ёки қанчадир вақт қамқоқда сақлаш эмас, балки Жиноят кодексининг 42-моддасига асосан жазо маҳкуми ахлоқдан тугатиш, унинг жиноий фаолияти давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, амнистия актини қабул қилиш давлат ҳокимияти олий органларнинг қандайдир мажбурияти, бурчи эмас, балки ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади. Амнистия орқали одатда жиноят ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликнинг содир этган шахслар жазодан тўла ёки қисман озод этилади, тайинланган жазо тури энгилроғи билан алмаштирилади.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон амалиёти таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, ҳамма давлатларда ҳам амнистия қабул қилиш қонунчилигида белгиланмаган, айримларида эса белгиланган бўлса-да, 10-20 йилда бир қабул қилинади. Бизда юқорида айтиб ўтилган рақамларнинг ўзидек мамлакатимиз Конституциясининг муқаддимасида айтиб ўтилган инсонпарвар де-

мократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаш мақсадини амалга оширишнинг амалий ва ёрқин ифодасидир.

Мустақиллик йилларида амнистияга оид қонун ҳужжатлари ҳам ривожланишда давом этди. Икки палатали парламент шаклланишидан сўнг, юқори палата бўлиши — Сенатнинг муқаддимасида Президентнинг тақдимидаги биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш кiritилди. 2008 йил 23 декабрда матбуотда эълон қилинган "Амнистия актини қўллаш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан

... мазкур амнистия акти қўйидаги шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган: а) узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга; б) Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга; в) Қарор 1 - 4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга; г) Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

амнистия актини қўллаш ҳолис ва бетароф, одил орган, мустақил ҳокимият бўлган судлар ваколатига ўтказилди. Шу билан бирга амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратининг таъминлигини ўрнатилганлиги ҳам қўшимча қилинди.

Бевосита Сенат қарорининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори 11 банддан иборат бўлиб, уни шартли равишда 3 қисмга ажратиш мумкин: қарорнинг бир қисми кимларга амнистия қўлланилишини белгилаб берса, иккинчи бир қисми амнистия татбиқ этилмайдиган шахслар ва жазолар категориясини мустаҳкамлайди, яна бир қисми қисми ушбу қарорни самарали ижро этиш устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга бағишланган.

Шунингдек, қарорда уни амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилиши ҳамда у қарор эълон қилинган кундан кунга қилиб, 3 ой мобайнида ижро этилиши лозимлиги қайд этилган.

Сенат қарорига кўра жазодан озод қилинадиганларга 7 тоифадаги шахслар кирди, булар: а) аёллар; б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; в) 60 ёшдан ошган эркеклар; г) чет давлат фуқаролари. Шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, ихтимойий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар; I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек,

ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташ тўсқинлик қиладиган оғир қасдликларга қарши қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно; тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар кирди.

Шу ўринда жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни мазкур амнистия қарори асосида жазодан озод

дир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга; б) қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга; в) қарор 1-, 4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга; г) қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўллашни тартиби ҳақидаги Низом"га кўра, Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори у кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга, улар жазони қаерда ўтаётганлигидан қатъи назар, қўлланилади. Амнистия тўғрисидаги қарорга кўра, асосий жазодан озод қилинган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод этилмайди. Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш ҳақидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади. Зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда, амнистия актини қўллаш масаласини қўриб чиқиш қўшимча материаллар олингунга қадар, лекин икки ойдан кўп бўлмаган муддатга кечиктириб турилади. Шундан кейин қарор мавжуд ҳужжатлар асосида қабул қилинади. Амнистия тўғрисидаги қарорни ижро этувчи органларнинг сўровлари дарҳол бажарилади.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, ҳар бир амнистия акти асосида минглаб одамлар озодликка чиқади. Бу эса минг-лаб оила хурсандчилиги дегани, бу кимнингдир отаси, кимнингдир онаси, кимнингдир ўғли, боқувчиси, кимнингдир синглиси дегани. Оила тўлиқ бўлишидан, озодлик шукҳидан ортиқ бахт борми дунёда?! Фақат бунда давлатимизнинг инсонпарвар сийёсатини тўғри англаш, ортиқ бу йўлга кирмаслик ва бошқаларни ҳам бундан қайтаришга жиддий эътибор қаратишни зинҳор унутмаслик лозим. Ўзбекистон — ягона оила, жиноят содир этиб адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт қорига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.

Мирвазол МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридagi Амалий
қонун ҳужжатлари мониторингини
институтини бўлим бошлиғи,
юридик фанлар номзоди.



Ҳушёрлик ва огоҳлик — юксак маданият белгиси

➤ **Депутат минбари**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида гунё бўйича йилига 1,24 миллион нафар одам ҳалок бўлмоқда. Жаҳон соқлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга қараганда эса, йўл хавфсизлиги қўйидаги ривожланиш 15-29 ёшдаги инсонлар бевақф ҳаёт билан воқеаларнинг энг асосий сабаби сифатида намоён бўлмоқда. Айни пайтда транспорт тури ва миқдори кўпайиши йўл ҳаракати билан боғлиқ чара-тағбирларни янада кучайтиришни тақозо этади.

Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан юртимизда 15 декабрдан 15 январгача йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлги ўтказилди. Мазкур ойлк доирасида республика миқёсида деярли барча ташкилот, муассаса ва идораларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларига йўл қўймаслик, аҳоли орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларини самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилганлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида жамоат жойларида ҳамда йўлларда огоҳликка ундайдиган янги панно ва эълонлар ўрнатилганлиги диққатга сазовордир. Асосий мақсад — йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, транспорт воситаси ва пилотлар, жумладан, болалар иштирокидаги автоҳалокатларни бартаврф этиш, автоуловлар техник тайёргарлигини яхшилаш, ушбу масалаларга жамоатчилик эътиборини жалб қилишдан иборат бўлди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга, яъни йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган қатор чоралар тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши ҳамда ўтган йили парламент томонидан янги тахирдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши йўл ҳаракати иштирокидаги қўлайликлар яратилиши ҳамда уларнинг бу борадаги маданиятини оширишга, ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий вазифаси йўлларда ҳаракатланиш жа- раёнларида инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этилишини, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Янги тахирдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг аввалгисидан фарқли жиҳатлари шундаки, қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида маъсул давлат органларининг ваколатлари янада аниқлаштирилди ва бу жараёнда фуқароларнинг иштироки масалаларига алоҳида ўрин ажратилди. Жумладан, фуқаролар тегишли органларга йўл белгилари, светофорлар, йўл чиққилари, йўл қопламаларининг ҳолати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа масалалар юзасида тақдирлар билан мувожабат қилиш ҳуқуқи алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. Йўловчиларни таъминлаш, транспорт воситаларини бошқариш учун гувоҳномалар бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари тақомиллаштирилди.

Қонуннинг 12-моддасида транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятларига оид нормалар ўз ифодасини топди. Ушбу норма талабига кўра, транспорт воситалари эгалари техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланиши, транспорт воситаларини тегишли малакага эга бўлган ва табиий қўриқдан ўтган шахслар бошқаришига ижозат бериши, ўз фуқаролик жавобгарлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиши, йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва экологик хавфсизлик талабларига риоя этиши шарт. Бу талаб албатта, турли даражадаги кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонун талабларига кўра, раёнларида инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этилишини, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Сертификатлаштириш идораси ҳозирги кунда тасдиқланган аккредитация соҳасига асосан 61 та курилиш материалларини сертифицилаштиришда Курилишда стандартлаштириш ва сертифицилаштириш республика маркази, Самарқанд геология-қидирув экспедицияси, Жиззах педагогика институти, Тошкент вилояти Давлат архитектура-курилиш назорати инспекцияси синов лабораторияси ҳамда Жиззах вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази радиология лабораторияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Фарғона вилояти Давлат архитектура-курилиш назорати инспекцияси ҳам ўтган йили 779 та курилиш объектларини рўйхатга олиб, ушбу давр мобайнида курилиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишда бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган барча транспорт воситалари ҳаракатланишдан илгари махсус техник қўриқдан ўтказилган бўлиши шарт. Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлган транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, транспорт воситаларини маст ҳолда ва телефонда гаплашган ҳолда бошқариш, ҳаракат тезлигини ошириш, хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик янада кучайтирилди.

Бугунги кунда транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиш тақиқланиши, ҳаракат чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани амалда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, шу ва шу сингари ислотлар натижасида 2013 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 2012 йилга нисбатан 1,3 фоизга, автоҳалокатлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 0,2 фоизга, турли даражадаги тан жароҳати олганларнинг сони 4,1 фоизга қисқарган. Умумий қайд этилган қондабузарликлар сони 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 7,1 фоизга камайгани мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самараси эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, автомобиль — инсонларнинг узогини яқин, оғирини энгил қилувчи бир восита, ҳолос. Аммо уни қандай бошқариш инсоннинг ўзига, унинг маданиятига боғлиқ. Назаримизда, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши оқибатида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар нафақат жиноий бепарволик натижаси, балки транспортни бошқариш, ўзгалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданияти билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, транспорт ҳодисаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳайдовчи ва пилотлар маданиятини ошириш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Зеро, йўл-транспорт ҳодисалари илдирига бунга болта урмасак, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтирмасак, эртага шундай ҳолатдан жабр кўрганлар сони кўпайиши мумкин. Халқона айтганда, касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул.

Ойша АХУНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

➤ **Фаолият**

Юртимизда бунёдкорлик, қурилиш соҳаси жадал суръатларга ривожланиб бормоқда. Айниқса, иншоотларга қўлланилаётган турли қурилиш материаллари биноларга ўзгача кўрк бағишлаб, унинг замонавийлиги ҳамда сифатини таъминламоқда. Бу борада Жиззах вилояти Давлат архитектура-курилиш назорати инспекцияси ҳам бунёд этилаётган бино ва иншоотларга бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини назорат қилиш бўйича муайян ишларни амалга ошириб келаётир.

Хусусан, ўтган йили вилоят Давлат архитектура-курилиш назорати инспекцияси томонидан ҳудуддаги 188 та объектлар рўйхатга олинди. Ушбу бино ва иншоотларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари аҳоли, қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг сифати, стандарт талабларига жавоб бериши, объектларда лойиҳа-смета ҳуж-

жатлари юзасидан бир қанча текширувлар ўтказилган. Гуруҳ қурмаксиз бўлмаганидек, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи базис корхоналар стандарт талабларига амал қилмаётгани, сифатни назорат қилиш тизими мавжуд эмаслиги, пудратчиларнинг лойиҳа қийлиги боис йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан 735 та ёзма кўрсатмалар берилди.

Қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун ўтган даврда 5 та

Сертификация сифатни кафолатлайди



пудратчи ташкилотларга нисбатан 69 461 530 сўм жарима қўлланилган. "Урта Осиеъ меъмор" КТХКси 2 591 800 сўм, "Фидокор-ИН" ХФси 3 588 550 сўм жаримага тортилгани шулар жумласидандир.

— Бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги қурилиш материалларининг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ, — дейди Жиззах вилояти Давлат

архитектура-курилиш назорат инспекцияси бошлиғи Акрам Раҳмонқулов. — Шу боис, инспекция маъмурияти томонидан сертифицилаштириш идораси ва қурилиш синов лабораторияси фаолияти мунтазамлигини таъминлаш мақсадида бино капитал таъмирланди. Қурилиш синов лабораториясининг замонавий, юқори аниқлик-

даги ўлчов воситалари ва синов ҳамда янги синов турларини ўзлаштириш борасида 2013-2015 йилларга режалаштирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, қурилиш маҳсулотларида бетон мустаҳкамлиги, тупроқ зичлигини аниқлаш учун зарур бўлган синов жиҳозларини ҳарид

қилиш, шунингдек, йўл қурилиш соҳасида қўлланилаётган асфальт қоримчасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун зарур бўлган ўлчов воситалари ва синов жиҳозларини харид қилиш учун бир қатор ишлар амалга оширилди.

Сертификация сертифицилаштириш идораси ҳозирги кунда тасдиқланган аккредитация соҳасига асосан 61 та курилиш материалларини сертифицилаштиришда Курилишда стандартлаштириш ва сертифицилаштириш республика маркази, Самарқанд геология-қидирув экспедицияси, Жиззах педагогика институти, Тошкент вилояти Давлат архитектура-курилиш назорати инспекцияси синов лабораторияси ҳамда Жиззах вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази радиология лабораторияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Фарғона вилояти Давлат архитектура-курилиш назорати инспекцияси ҳам ўтган йили 779 та курилиш объектларини рўйхатга олиб, ушбу давр мобайнида курилиш

объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш борабаридан аниқланган камчиликларни бартаврф этиш ҳақида мутаассадларга тегишли ёзма кўрсатмалар берилди. Ўтган йил инспекциянинг сертифицилаштириш идораси ва синов лабораторияси замонавий ўлчов воситалари билан жиҳозланди. Натижада маҳсулотлар синовида аниқлик ва ишончликка эришилди, 119 та синов баённомалари расмийлаштирилди, 159 та мувофиқлик сертификати берилди. Тадбиркорларга қўлайлик яратиш, оқилликни таъминлаш мақсадида сертифицилаштириш идорасининг www.osfergasn.uz сайти ташкил қилинган. Сайтда ишлаб чиқарувчилар учун зарур маълумотлар киритилган бўлиб, фикр-мулоҳаза, тақлиф ва саволлар учун ҳам махсус саҳифа ажратилган.

Давур ЖОЗИЛОВ

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Камчиликлардан хулоса чиқариш пайти келди

Мақомил, Бойбек А.Ботба

Шу нуктаи назардан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши депутатлари ҳам ўз ваколатларидан келиб чиқиб, аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришга, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, кишлоқларда янги иш ўринларини яратиш, ёшлар билан ишлаш, хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга қаратилган дастурий вазифаларимиз доирасида амалий ишларга қўл урмоқда.

Бугун Сурхондарёда Ўзбекистон «Адолат» СДПдан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатларнинг умумий сони 53 нафарни ташкил этади. Уларнинг уч нафари халқ депутатлари вилоят кенгашида, қолганлари туман ва шаҳар кенгашларида фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳалардаги устувор йўналиш-

ларини белгилаш, бу борада тўсиқ бўлаётган омиллар ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги ички имкониятларини аниқлаш, Инқирозга қарши чоралар дастурини маҳаллий ҳокимият, жамоат ташкилотлари, тадбиркор ва ишбилармон доиралар вакиллари билан ҳамкорликда амалга ошириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинган бўлиб, ушбу дастурни амалга ошириш бўйича ҳар бир депутат масъул этиб тайинланган.

Депутатларнинг сайловчилар билан доимий мулоқоти электоратимизни ўйлантираётган қатор масалаларга ечим топишда муҳим омил бўлмоқда. Утган 2013 йилда маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан сайловчилар билан 600 га яқин учрашув ва тадбирлар ташкил этилганини фикримиз далилидир. Бу каби тадбирларда аҳолининг ижтимоий тақлифлари ўрганилди, йил давомида тегишли ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликларга вилоят кенгаши депутатла-

ри томонидан 10 та, туман, шаҳар кенгаши депутатлари томонидан 30 та депутатлик сўровлари юборилди.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг 2013 йил 24 июндаги навбатдаги сессиясида Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари А.Ортиқовнинг «Энергияни тежаш ва муқобил энергия турларидан самарали фойдаланиш» тўғрисидаги маърузаси тинглаб, муҳокама қилинди ҳамда масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан сессия кун тартибига шаҳарнинг тўлиқ табиий газ билан таъминлаш учун саккиз километр масофага газ қувури тортиш тўғрисида масала киритилди ва ҳозирда ушбу масаланинг ижроси юзасидан бошланган амалий ишлар якунига етказилиш арафасида.

Термиз шаҳар партия депу-

татлик гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят ва Термиз шаҳар кенгашларининг қўшма йиғилишида вилоят «Иссиқлик манбаи» раҳбарининг ҳисоботи эшитилиб, соҳадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аҳолининг муружаатлари ҳам доимий эътиборда. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлари томонидан ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўрганиш мақсадида ҳар бир ҳудудий кенгаш қрошида депутатлик хоналари ташкил этилган бўлиб, ўтган йилда депутатлар қабулига жами 500 дан ортиқ фуқаролардан ёзма ва оғзаки муружаатлар келиб тушган. Ушбу муружаатлар юзасидан депутатлар томонидан мутаассадди ташкилот, идораларга сўровномалар юборилиб, уларнинг аксарияти ихобий ҳал қилинди.

Албатта, биз бу кўрсаткичлар билан мақтана олмаймиз.

Хали бажаришга улгуролмаган вазифаларимиз талай.

Хусусан, халқ депутатлари Кизирик, Бойсун, Олтинсой туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига бирорта ҳам тақлиф олиб чиқилмагани, айрим бўшаб қолган депутатлик ўринларига муносиб номзодлар кўрсатолмаганимиз тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Зеро, жойларда ислохотлар изчиллигини таъминлаш, электротар манфаатини мустаҳкам ҳимоя қилиш, қонун ва қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби муҳим вазифалар депутатларимиз ва ҳудудий партия ташкилотларимиз зиммасидаги масъулиятни оширишни талаб этмоқда.

Исроил ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти кенгаши ва «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашига Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаган «Ҳаёт мактаби, шон-шараф иши» мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди.

Тинчлигимиз ва фаровон турмушимиз кафолати

Анжуманда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, «Нуроний» жамагармаси аъзолари, маҳаллалар аҳли, ўқитувчилар, хотин-қизлар, ёшлар, «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Абдуқаҳор Аҳмедов ҳозирги кунда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли ҳарбийлик ҳақиқатдан ҳам ҳаёт мактаби, шон-шараф ишига айлангани, ҳарбий қисм, муассасалар ҳамда олий ҳарбий билим юртиларида ёшларимизнинг ватанпарварлик туйғулари кучайтириш, ҳуқуқий маданияти ва онгини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Тинч, осойишта диёримизда Қуролли Кучларимиз тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди А.Аҳмедов. — Ушбу ислохотлар эса миллий армиямиз сафларини профессионал, пухта тайёрланган кадрлар билан тўлдириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва эл-юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳизмат қилаётган.

Шунингдек, ноҳик миллий армиямизни ислохотларнинг замонавий қурол-яроғ, техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, Қуролли Кучларимиз куч-қудратини юксалтиришга қаратилган ислохотлар хусусида ҳам фикр-мулоҳаза юритди.

Тадбирда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Исмаил Раҳимов ҳам маъруза қилди. У ташкилот ташаббуси билан ҳарбий хизматга қақирилувчи ёшлар ўртасида ташкил этилган «Уч авлод учрашуви» иштирокчиларда катта таассурот қолдирганини алоҳида эътироф этди.

— Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда илғор педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланишимиз, — деди маърузачи. — Ҳозир машғулотлар олиб бориладиган ўқув хоналари турли жиҳозлар билан таъминланган. Компьютер хонаси ҳам

тингловчилар ихтиёрида. Бу албатта, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва янги ахборот технологиялари билан танишиш имконини беради. Бундан ташқари, Қарши шаҳри ва туманлардаги мактабларда уюштирилаётган турли спорт мусобақалари боис ёшларимиз соғлом, қаққон, кучли ва эғчил бўлиб вояга етмоқдалар. Мусобақаларда югуриш, арқон тортиш, тош кўтариш ва мерганлик бўйича ҳам беллашувлар бўлиб ўтмоқда. Умуман, бу каби ҳаёлий тадбирларни «Соғлом бола йили» да янада кўчатириш юзасидан ташкилотимиз томонидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Давра суҳбатида Қарши давлат университети катта ўқитувчиси Инобат Ражабова, «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Бехруз Муродов, вилоят партия кенгаши раиси биринчи ўринбосари Рўйиддин Раулов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, Қуролли Кучлар шахсий таркибида ҳарбий тайёргарликни, маҳоратни ошириш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда интизом ва тартибни кучайтириш зарурлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, тадбирда экстремистик ва террорчи кучларнинг фаолиятини кучайтиришнинг хавфсизлиги ва мамлакатнинг ҳарбий лаёқатини кучайтириш масалаларига янги ҳақиқатларни талаб этиши, қозалверса, Қуролли Кучларимизнинг босқичма-босқич ислохот қилиш борасидаги чора-тадбирлар хавфсизлигимизга бўлаётган таҳдидларга муносиб жавоб эканлиги алоҳида кайд этилди.

Умуман бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Ватан ҳимоячисидир. Шундай бўлгач, бу байрам ҳаммамнинг байрами, умумхалқ байрамидир. Иштирокчилар бу ҳақда ўз дил ихлосларини очик-ошкор билдиришди.

Юқори савия ва кўтаринки руҳда ташкил этилган тадбир иштирокчиларга манзур бўлди.

Комил САҲАТОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Ҳамкорлик режалари белгилаб олинди

Мамлакатимизда спортнинг оммалашуви натижасига нуфузли халқаро мусобақаларга қўлиб бўлаётган, дунё биринчиликларида зафар қучаётган ҳамюртларимиз сони ошиб бормоқда.

Бугунги кунда соғлом авлодни тарбиялашда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамиятининг демократик институтлари бўлган жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг ролини ошириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, 2014 йил — «Соғлом бола йили» да ушбу масала алоҳида эътиборни талаб қилади.

Жумладан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ўртасида ҳамкорлик изчил шаклланган. 2011 йилдан буён бу ижтимоий шериклар ўртасида жойларда турли даражадаги спорт мусобақаларини ташкил этиш, ёшларни спортга жалб этиш ишларида фаол ҳамкорлик олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ихроия Кўми-

таси ва Белбоғли кураш федерацияси ташаббуси билан «Конституция — ижтимоий адолат кафолати» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам ана шундай ҳамкорликнинг натижасидир. Давра суҳбати давомида Ўзбекистон томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан йил мобайнида ҳамкорликда амалга оширилмаган ишлар, ўтказилмаган тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Шунингдек, тадбирда Қозон, Салават, Нижнекамск шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда қўлиб бўлган полковлар Белбоғли кураш федерацияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Азиза ҚУРБОНОВА

Сўранг, жавоб берамиз!

Ўзбекистон «Адолат» СДП сиёсий куч сифатида ўз олдига қандай вазифаларни қўйган?

У.Абдурасулов, Қашқадарё вилояти

Партия сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиб, Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини яратиш борасида демократик жараёнларни чуқурлаштириш ҳамда Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини оширишда ёрдам кўрсатишни ўз вазифалари ичида энг устувори, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, у турли ижтимоий масалалар, жамият қатламлари (ёшлар, аёллар, кексалар) манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган.

Партия ўз фаолиятини қандай қонун ҳужжатларига асосан олиб боради? С.Бердиева, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу партия Уставига мувофиқ амалга оширади.

Партия сайловларда ўз аъзоларини қайси ҳокимият органларига номзодликка кўрсата олади? Ш.Жўраев, Бухоро вилояти

Партия ўзининг аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига бўладиган сайловлар вақтида номзодлар этиб кўрсатади ва давлат ҳокимият вакиллик органларининг барча бўғинларида иштирок этади. Номзодларнинг сайланишлари учун қонунга биноан йўл-йўриқлар кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлайди.

Саволларга Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Устави асосида жавоб берилди.

Партиядошимиз — Президент стипендианти

Мақомил, Бойбек А.Ботба

Институт ўқитувчилари ва у билим олган Балиқчи туманидаги 14-умумтаълим мактабидаги устозлари шогирдининг бундай юксак муваффақиятга эришганлигидан қувондилар. Аҳрорбек Адашалиев 1989 йили Балиқчи тумани марказидаги «Катта булоқ» маҳалласида оддий хизматчи оиласида туғилди. Оилада учинчи ўғил дунёга келганидан отаси Нейматжон ака ва онаси Махсудахон аянинг қувончига қувонч қўшилди. Улар фарзандини яхши инсонларга ҳавас қилиб, билимли, зукко ва истеъдодли бўлишини дилдан истадилар. Омадли йигит бўлсин, дея доим дуо қилдилар. Яна отаси шифокорлар билан кўп йиллар ишлагани сабаб шифокор бўлишини ҳам яратгандан сўради.

Ота-она орзуси ушалиб фарзанди улар истагандек инсон бўлиб улғайди. Мактабда биринчи муаллими Хадичахон Нейматованинг сабогини ва олқишини олди. Боиси, у ҳамма фанлардан аъло баҳоларга ўқиди. Отасининг ўзи меҳнат қилаётган Балиқчи туман марказий шифохонаси ишчи-хизматчиларининг фидойиликлари, олижаноб ишлари ҳақидаги ҳикояларини берилиб тингларди. Оқ либосли халоскорларга ўзгача ҳавас билан қарарди. Болаликдаги бу ҳавас аниқ мақсадга айланди. У «албатта, шифокор бўламан», дея ниёт қилди.

Аҳрорбек 2007 йили Балиқчи туманидаги педагогика коллежини муваффақиятли тамомлаб, Андижон давлат тиббиёт институтининг давлат факультетига ўқишга киришга муяссар бўлди.

Тиббиёт институтида тахсил олиш гоят қийин ва масъулиятли бўлишига қарамай, Аҳрорбек ҳаммасига улғуришга ҳаракат қилди. Дарсларда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга жамоат ишларида, тадбирларда доим фаол қатнашди. Ёшлар ўртасида ўтказилган турли танловларда ҳам муносиб қатнашиб, голиблар сафидан ўрин олди. Изланувчан талабанинг ташаббускорлиги, янги-янги гоғлар билан чиқиши устозларининг унга бўлган ишончини оширди.

— Аҳрорбек энг билимли, зукко ва маънавиятли ёшлардан бири. Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштиради. Олий ўқув юртилари талабалари ўртасида микробиология фанидан ўтказилган республика фан олимпиадасида доимо фахрли ўринларни эгаллаб келади. Унга озгина туртки берсангиз етарли. Ҳар қандай топшириқни аъло даражада бажара олади. Бугунги кунда у институтида ташкил этилган ёшлар билан ишлаш тарғибот гуруҳи етакчиси сифатида ҳам иш олиб бормоқда, — дейди институтнинг маънавият ва маърифат



ишлари бўйича проректори, профессор М.Мадазимов.

2011 йили А.Адашалиев Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари сафига қўшилди. Шу кундан бошлаб у ёш сиёсатчи сифатида ҳам талабалар орасида тарғибот ишларини олиб борди, партиявий тадбирларнинг энг фаол иштирокчисига айланди. 2012 йили Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси этиб тайинланди.

— Шифокорлик улғу ва шарафли касб. «Адолат» СДП электротарининг асосий қисмини ташкил этувчи касб эгалари инсон саломатлигини асраш — масъулиятли вазифа, деб ҳисоблайди. Дунёда соғлиқдан ҳам катта бойлик борми? Жонингиз оғриси, кўзингизга олам қоронғу қўринадди. Кўнглингизга қил ҳам сиймайди. Шундай дамларда оқ халатли шифокорлар сиз учун барча яқинларингиздан ҳам азиз бўлиб туюлади. Бунга мен устозларимдан олган сабоқларим ҳамда касбий тажриба орқали амин бўлганман, — дейди Аҳрорбек. — Партия аъзолигига қабул қилинганда сўнг, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар, Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ташаббуслари билан янада кенгрок танишиш имконига эга бўлдим. Энг муҳими, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, халқимизни янада

соғломлаштириш йўлида беқиёс имкониятлар яратилаётгани ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган бўлиб, айниқса, 2014 йил «Соғлом бола йили» деб аталishi ёшларга қаратилаётган гам-хўрликдан далолат. Ва бу жараёнга ёшларнинг ҳам жалб этилиши биз учун улкан шарафдир.

Аҳрорбекдаги илгарақ чанқоқлик ва изланувчанликни юқори баҳолаган институтдаги устозлари уни Президент стипендианти талабгорлари қаторига қўшиб, яна бир катта синовдан ўтишга тавсия этдилар. Қаҳрамонимиз бу масъулиятли синовга жиддий тайёргарлик қўрди. Республикаимиз миқёсида ўтказилган танловда ўзи сингари зукко, қобилиятли, юксак салоҳиятли ёшлар орасида энг юқори натижага эриша олди. Белгиланган барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, тиббиёт йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти совриндори деб топилди. Бу хушхабардан стипендиантининг онаси Махсудахон аянинг қувончдан кўзлари намланди.

— Фарзандимизнинг бу муваффақияти оиламиз учун катта байрамга айланди. Тилагим келгусида қўли энгил шифокор бўлиб етишиб, эл дуосини олсин, — дейди Махсудахон ая. Ҳа, Адашалиев каби «ёш адолатчи» мизнинг бундай улкан ютуғи бизга ҳам катта фахр ва гурур бағишлади.

Акбаржон НАЗАРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

Аҳоли фаровонлиги —

«ЎЗАГРОСУГУРТА»

Сарҳисоб

Маълумки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада такомиллаштириш энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Бу жараёнга молиявий хизматлар бозорига рақобатни кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантириш ўзига хос аҳамият касб этади. Айнан мазкур хизматлар бозори орасида сугурта тизими молия тизимининг стратегик аҳамиятга эга соҳаси ҳисобланиб, иқтисодийга салмоқли инвестицияларни киритишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, мазкур соҳада ўзига хос тажриба ва кўникмага эга "Ўзагросугурта" давлат-акциядорлик сугурта компанияси 2013 йилда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада такомиллаштирди. Хусусан, компания аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларнинг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни оширишга кўмаклашиш мақсадида республика миқёсида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашди, натижада касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳисобига 394,5 та янги иш ўринлари очилди. 2013 йил давомида сугурта хизматлари қўлай ва тезкор тақдим этилишини таъминлаш мақсадида кўшимча равишда 4 та ҳудудий бўлинма, яъни Фарғона вилоятида "Кўкон шаҳар", "Марғилон шаҳар", Жиззах вилоятида "Жиззах шаҳар" ва Навоий вилоятида "Зарафшон шаҳар" бўлинмалари ташкил этилди.

Кўшимча равишда компания давлат-акциядорлик сугурта компанияси 2013 йилда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада такомиллаштирди. Хусусан, компания аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларнинг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни оширишга кўмаклашиш мақсадида республика миқёсида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашди, натижада касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳисобига 394,5 та янги иш ўринлари очилди. 2013 йил давомида сугурта хизматлари қўлай ва тезкор тақдим этилишини таъминлаш мақсадида кўшимча равишда 4 та ҳудудий бўлинма, яъни Фарғона вилоятида "Кўкон шаҳар", "Марғилон шаҳар", Жиззах вилоятида "Жиззах шаҳар" ва Навоий вилоятида "Зарафшон шаҳар" бўлинмалари ташкил этилди.

тидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини сугурталаш бўйича 812 та сугурта шартномаси тузилди. 1488 млн. сўм сугурта мукофоти тушуми таъминланди ва 993,7 млрд. сўм сугурта жавобгарлиги олинди.

Шунингдек, тизимда тарғибот усуллари такомиллаштирилиб, реклама материаллари тайёрлаш ишлари жонлантирилди. Натижада ўқувчиларни бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт сугурта қилиш бўйича 826371 та сугурта шартномалари тузилиб, 1100,7 млн. сўм сугурта мукофоти тушуми таъминланди ва 996,0 млрд. сўм сугурта жавобгарлиги олинди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги қароридан белгиланган соғлиқни сақлаш соҳасини ислох этишни янада чуқурлаштириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида, республиканинг қишлоқ ҳудудларидаги даволаш-профилактика муассасалари билан тиббий сугуртани ривожлантириш борасида ҳамкорлик ишлари олиб борилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг "2012-2016 йилларда Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш учун компания томонидан кўрсатиладиган сугурта хизматлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирларнинг ҳудудий бўлинмалар томонидан бажарилиши ҳар ҳисобот даври якунларида таҳлил этилиб борилади.

салардан эҳтиёт шарт сугурта қилиш" сугурта тури бўйича қоидалар такомиллаштирилди ва сугурта тарифлари қайта кўриб чиқилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги қароридан белгиланган соғлиқни сақлаш соҳасини ислох этишни янада чуқурлаштириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида, республиканинг қишлоқ ҳудудларидаги даволаш-профилактика муассасалари билан тиббий сугуртани ривожлантириш борасида ҳамкорлик ишлари олиб борилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг "2012-2016 йилларда Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш учун компания томонидан кўрсатиладиган сугурта хизматлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирларнинг ҳудудий бўлинмалар томонидан бажарилиши ҳар ҳисобот даври якунларида таҳлил этилиб борилади.

Узбекистон Республикаси Президентининг "2012-2016 йилларда Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш учун компания томонидан кўрсатиладиган сугурта хизматлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирларнинг ҳудудий бўлинмалар томонидан бажарилиши ҳар ҳисобот даври якунларида таҳлил этилиб борилади.

вожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларнинг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида компания тизимида кўйи бўлинмаларгача электрон почта алоқа тизими, ахборот ва маълумотлар алмашинувининг Е-хат тизими, сугурта шартномалари электрон базасини шакллантириш, ижро интисоми ва кадрлар захираси дастурлари такомиллаштириб борилмоқда.

Юқорида қайд этилган дастурларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш учун лицензион антивирус дастурлари жорий этилди. Бу борадаги ишларни ривожлантириш мақсадида pis.uz сайтида компания томонидан амалга оширилаётган ишлар кенг ёритиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, компаниянинг республика сугурта бозорига самарали фаолият юритишини таъминлаш учун молиявий барқарорликни таъминлашда устивор бўлишни таъминлаш, сугурта фаолиятини ривожлантириш аҳоли мол-мулки ва соғлигини сугурталаш бўйича қамровини кенгайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини сугурталаш тизимини тубдан яхшилаш, сугурта портфелини кучайтириш, инвестиция фаолиятини ривожлантириш, бунда ҳудудлар ривожланишига кўмаклашиш талаб этилади. Шунингдек, тизимга янги ахборот-коммуникация техника ва дастурларини жалб этиш орқали ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар сугурта бозорига бевосита таъсир ўтказиш имконини яратиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялайди ҳамда сугурта муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ихтиёр НУРМУХАМЕДОВ, Ўзагросугурта ДАКК (ОАЖ) Бошқаруви раиси ўринбосари

Молия муассасаларида

Маълумки, бугунги кунда республикамизда банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчисига айлантириш, фермер хўжалиқларини ҳамда кичик бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтиришга ҳукумат етисати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Банклар кўмагида

халқимизнинг турмуши яхшиланмоқда

Хусусан, мижозларга кенг турдаги банк хизматларини тақдим этиб келаятган "Хамкорбанк" ОАТБ миллий иқтисодий тизимда барқарор ривожланиб келаётган молиявий муассасалардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, банкнинг Олмалик филиали ҳам ўз фаолиятининг асосий йўналишларида изчил ривожланиш сари дадил одимламоқда.

Шу ўринда, банк филиалининг мазкур ҳудудда 2013 йил давомида "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит билан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларини, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш, аҳоли даромадлари таркибидан тадбиркорлик фаолиятини оқилан даромадларини янада кўпайтириш, янги иш ўринлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш ишларини амалга оширишдаги ҳиссаси ортганини таъкидлаш мумкин бўлади. Рақамларга мурожаат этилган бўлса, банк филиали томонидан 2013 йил давомида давлат дастурлари доирасида 226 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 8443 млн. сўм кредит маблағи ажратилди, шундан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 78 нафар аёл тадбиркорларга 1778 млн. сўм, хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 13 та мижозга 1023 млн. сўм, 9 та коллеж битирувчиларига 168 млн. сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 4 та тадбиркорлик субъектига 65 млн. сўм ва бошланғич сармоини ривожлантириш бўйича 2 тадбиркорга 38 млн. сўм ҳамда битта кичик бизнес субъектига банкнинг илтивозли кредитлаш жағмараси ҳисобидан 11 млн. сўм илтивозли кредит ажратилди.

гир, замонавий қозғоқ маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида "Хамкорбанк" ОАТБ Олмалик филиали томонидан 11 млн. сўм имтиёзли ва айланма маблағларни тўндириш учун 70 млн. сўм кредит маблағлари олган эдик. Пировардида корхонамиз ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, оилак даромадларимиз кўтарилмоқда. Корхонада 2 та янги иш ўринлари яратдик. Банк кредит маблағлари ҳисобига ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз билан 2013 йилда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган кўргазмаларда қатнашишга ва бир қатор муассасалар билан шартнома имзолашга муваффақ бўлдик. Хулоса қилиб айтганда, биз тадбиркорларнинг фаолияти ривожланишида тижорат банклари муҳим ўрин тутаяпти.

Жаҳонгир Мадаминов, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳридаги "Олмалик нон барака" хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. 2013 йилда "Хамкорбанк" ОАТБ Олмалик филиалининг 300 млн. сўмлик кредит маблағи ҳисобига хорижда, яъни Германия давлатида ишлаб чиқарилган WACHTEL замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиб ўрнатдик. Натижада корхонамизда йил якуни бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, корхонамиз пул тушумлари ва даромадлари кўпаймоқда. Кредит вазивига янги иш ўринлари яратдик. Банклар кўмаги тадбиркорларнинг ўйлаган мақсадларига эришишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, мен 2014 йилда банкдан яна кредит олиб, хусусий корхонам фаолиятини кенгайтириш, республикамиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўишини мақсад қилганман.

Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнес ривожланиши, хотин-қизлар тадбиркорлиги ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда банк кредитларининг ўрни ортиб бормоқда. Муҳими, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарур.

"Хамкорбанк" ОАТБ филиалининг Олмалик филиали раҳбари



Бозор — юрт кўзгуси

— Мустақиллик йилларида юртимиз ободлиги йўлида мислсиз ишлар қилинди. Амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар халқимиз яшаш тарзини янада яхшилашда, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлди, — дейди Бўстонлиқ туманидаги "Бўстонлиқ деҳқон бозори" МЧЖ бошқаруви раиси Акмал Бўриев.

— Айниқса, қатор соҳалар билан биргаликда аҳолига савдо ва сервис хизмати кўрсатиш кенг ривож топди. Юртимиз кўзгусига айланган, фаровонлигимиз тимсоли бўлган бозорларимиз гуллаб-яшнади. Улардаги шарт-шароитлар тубдан яхшиланди. Узоққа бормайлик, биргина "Бўстонлиқ деҳқон бозори"нинг ўзида амалга оширилган янги қурилишлар ва ўзгаришлар ҳеч қимми бефарқ қолдираётгани йўқ. Жумладан, савдо павильони ўрнида 150 та тургун савдо дўкони барпо

рибди. 216 та назорат-касса машиналари, 114 та тўлов терминаллари ўрнатилган. Сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Бозор нафақат туман аҳли, балки бу ерга ўз маҳсулотларини сотиш мақсадида кўшни ҳудудлардан келган деҳқонлар, сабзавоткору сохибкорлар билан доимо гавжум бўлади. Ҳафтанинг етти кун тўтовсиз ишлайди. Мева-сабзавот, қуруқ мевалар, полиз-тузлама маҳсулотлари сотилаётган павильонларда, гўшт, суг, озиқ-овқат ва гуллар савдоси қизиқтаран расталарда гўёки, туну кун ҳаёт қайнайдди. Дид билан терилган сархил неъматлар кўзингизни ашинатади. Улар сероб ва мўл-кўл. Бу нархларнинг бошқа жойларга нисбатан анча арзон ва ҳамёнбонлигини ҳам ифодалайди.

Ғулом ХИДИРОВ, «Adolat» мухбири

Уста деҳқон қувончи

Орамиздаги одамлар

Қизилтепалик Қаҳқор Ғофуров 66 ёшда. Ғайрати ичига сиғмаган бу отахон ўйда ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Нафақасини олган қунлари турмуш ўртоғи Маҳфизат хола билан невараларини кўргани боради. Уларни йўқлаб, кўнглини олади. Бошқа пайтларда қалаган бери келмайди. Баъзада танишлари: — Онангиз сизни гага учун тўққай, усиз яшолмайсиз, — деб ҳазиллашиб қўйишгади.

Асли касби ҳайдовчи бўлган Қаҳқор ака соҳада 27 йил ишлаб, сўнг деҳқончилик билан шуғулланишга киришди. 2000 йилдан хўжалиқдан ер олиб, оилавий пудратчилик қила бошлади. Узлуқсиз олти йил 6,5 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштириб, туман ҳокимлигининг мукофотларини олди. Барча жойда бўлгани каби 2007 йилга келиб Қизилтепада ҳам фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёза бошлади. Унинг истикболига ишонганлар янги соҳада ўзларини синаб кўрмоқчи бўлдилар. Уларнинг орасида Қаҳқор ақанинг ўғли Бобур Ғофуров ҳам бор эди. Шу тарзда пахта ва галлачиликка ихтисослашган "Зарафшон тўлкини" фермер хўжалиги юзага келди. Ер билан тиллашиб, сирлашиб, уста деҳқонга айланган отахон фермер ўғлига дадла бўлиб, унга яқиндан ёрдам берди. Пахтачилик, галлачиликка оид тажрибаларини кунт билан ўргатди. Қимматли маслаҳатларини янги соҳа эгасидан аямлади. Ҳозирги кунда отахон ҳақида гап кетса кўпчилик: — Ҳазратининг адолат бобори айтгансизми, хўп яхши одам-да, — деб қўйишади.

Асли табиати адолатга мўйил Қаҳқор ака кўп йиллардан бери Ўзбекистон "Адолат" СДПга хайрихоҳ. Бу сиёсий кўннинг халқчил ғояларини унинг қарашларига тўла мос келади. Айниқса, партиянинг "Инсон манфаатлари — энг олий қадрият", деган ширини астойдил ёқтириб қолган. Унинг фикрича, инсон манфаатларини олий қадриятга айлантириш сиёсий куч асло кам бўлмайди, халқ орасидаги обрў-эътибори ортиб бораверди, хайрихоҳлари кўпаяди. Қолаверса, партия қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор муҳим вазифаларини кўзлаган. Жумладан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бозор ислохотлари самарадорлиги ва қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда мувозанатни таъминлашни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган. Шундай экан, Қаҳқор Ғофуров бу жараёнлардан нафақат партия аъзолари, балки, хайрихоҳлари ҳам четда қолмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Ҳозирги кунда доимо шунга амал қилишга интилади.

"Зарафшон тўлкини" фермер хўжалиги аъзолари меҳнатнинг тағи рохатлигини яхши биладилар. Қишлоқнинг янги мулкдори Бобур Ғофуров отаси Қаҳқор ака билан биргаликда уларнинг ишини қадрлаб, рағбатлантириб боришади. Жамoa ҳар йили пилла, ғалла, пахта етиштириш режасини ортиги билан бажариб келмоқда. Биргина ўтган "Обод турмуш йили"нинг ўзида сал кам 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнерга яқин пахта етиштирилди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳам юқори ҳосил олинди. Яхши ният билан қилинган меҳнат эвазига хўжалик мўмай дерамад олишга эришди. Биргина кўрилган соф фойданинг ўзи



75 миллион сўмдан ортиб кетди. — Бу маблағнинг ўз ўрни, ишлатиладиган жойи бор, — дейди Қаҳқор Ғофуров. — Анъанага кўра бу йил ҳам фермер хўжалигимиз аъзоларини юртимизнинг Бухоро, Самарқанд, Термиз шаҳарларига саёхатга жўнатмоқчимиз. Пешкадман сувчи, чопиқчи, термичиларимизни республикамиздаги етакчи санаторийларда дам олиб, соғлиқларини мустақкамлашни мўлжаллаяпмиз. Ҳозирги кунда, ўзимизнинг Арабхона қишлоғимиздаги кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож ўнлаб оилаларга ҳиммат кўрсатиб, ёрдам бераяпмиз.

16-умумтаълим мактабининг аълочи ўқувчиларини қўллаб, қувватлаб кўп йилдан буён уларга стипендия бериб келаяпмиз. Фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида яхши натижаларга эришадиган ўқувчиларимизни мукофотлаяпмиз. Ёшлар бизнинг ишончимиз, умидимиз эканлигини дилдан туймоқдалар. Она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишиши иштиёқда пухта билим олиб, илм чўққиларини эгаллашмоқда.

Хўжалик аъзоларининг қайси бири билан гаплашсанг, меҳнатга яраша рағбат ютуқлар омили бўлаётганлигини таъкидлайди. Доно халқимиз қўли очкининг ўйли очки, деб бежиз айтмаган. Ўтган йил якунида фермер хўжалиги лизингга чопиқ трактори олди. Қаҳқор ақанинг қизи, жамoa аъзоси Муножат Ғофурова туманининг "Азизобод" массивида ишга туширилган 10 та намуналий уй-жойнинг бирига кўчиб ўтди. Ҳалол меҳнат қилиб, бир ўғил, уч қизини тарбиялаган, эндиликда 12 нафар невара, бир эваранинг севиқли бобоси ва мотомисига айланган Қаҳқор ака билан Маҳфизат холанинг кўзларидан севиқ-хашани балқиди. Ахир, қизи ҳозир кимлар орзу қилмаган янги ўйда яшамоқда. Бугунги кунда қишлоқ мулкдорлари бўлиш осон иш эмас. Ўғлининг ютуқларидан қувонган ота жамoaнинг фаолият доирасини кенгайтириб, янги соҳаларни йўлга қўйиш, бу орқали ўнлаб ҳамқишлоқларини иш билан таъминлаш ҳаракатида юрибди. Жумладан, асаларичилик, паррандачилик, балиқчиликни ташкил этиб, эл маъмуричилигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқчи. Бунинг учун уларда имконият етарли. Яхши ният билан бошланаётган қизгин саёй-ҳаракатлар келгусида албатта ўз мевасини беради.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ, «Adolat» мухбири

Социал-демократлар ва консерваторлар коалицияси

“Adolat” шарҳи

Дунёнинг сиёсий қиёфаси ўзгариб бораётган ҳозирги даврда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган давлатлар қонун ижодкорлиги жараёнини ривожлантиришга, қонунлар сифати ва самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга устувор йўналишлар сифатида қаралаётган бир шароитда бу борада хориж тажрибасига назар ташлаш фойдадан холи эмас.

Европанинг ривожланган давлатларидан бири Австрия парламенти ўтган йиллар мобайнида ҳам юксалиш, ҳам таназзул жараёнларини бошидан кечирди. Австрия парламенти икки палатадан — Федерал кенгаш — Бундесрат (64 ўрин) ва Миллий кенгаш — Националрат (183 ўрин) дан иборат.

Юқори палата — Федерал кенгаш депутатлари ландтаглар, яъни маҳаллий ўлкалар вакиллик органлари томонидан сайланади. Аҳолисининг сонига кўра ўлкалар 3 нафардан 12 нафаргача депутатларни юқори палатага илгари суришади. Уларнинг ваколат мuddати ўзларини сайлаган маҳаллий парламентлар ваколатининг мuddатига қараб 4 ёки 6 йилни ташкил этади. Куйи палата — Миллий кенгаш депутатлари пропорционал рўйхат тизими бўйича 5 йил мuddатга сайланади. Кенгашга ўтиш учун партиялар сайловчиларнинг камида 4 фойз овозини олишлари керак. Ҳозирда парламентдан Австрия социал-демокра-

тик партияси, Халқ партияси, Озодлик партияси ҳамда “яшиллар” ўрин олган.

Австрияда 16 ёшга тўлган барча фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга. Миллий кенгашнинг асосий вазифаси қонунларни қабул қилиш ҳисобланади. Қонун лойиҳалари федерал ҳуқуқат ёки куйи палата депутатлари томонидан киритилиши мумкин. Бироқ куйи палата муҳокамасига киритилишдан олдин қонун лойиҳалари Миллий кенгаш кўмиталарининг бири томонидан муҳокама қилиниб, овозга кўйилади. Депутатларнинг муҳим функцияларидан бири бу — қонунлар ижросининг тўғрилиги устидан назорат ўрнатиш, федерал ҳуқуқат аъзоларига ёзма ва оғзаки сўровлар юбориш, ҳисоб палатасида текширувлар ўтказиш ёки текширув ўтказиш комиссияларига жалб этиш ҳуқуқининг берилганидадир. Парламент муҳолифатининг асосий вазифаси эса назоратни амалга оширишдир. Мабодо Миллий кенгаш федерал ҳуқуқатга ишонсизлик бил-

дирса, у ҳолда президент парламентни тарқатиб юборишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, парламент куйи палатаси Европа Иттифоқи доирасида кўзда тутилган лойиҳаларга ҳам ўз муносабатини билдиради.

Федерал кенгашга тўққизта федерал ўлкалардаги парламентлар томонидан сайланган депутатлар ўз ҳудудининг маҳаллий ҳокимияти ҳимоя қилгани учун ҳам федерал қонунлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этадилар. Куйи палата қабул қилган қонун лойиҳалари ва давлат шартномалари Федерал кенгашга жўнатилади ва у дастлаб кўмиталардан бирида муҳокама қилинади, шундан кейин Федерал кенгашнинг пленумига узатилади. Миллий кенгаш қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлар сабаби кўрсатилган ҳолда Федерал кенгаш томонидан рад этилиши мумкин. Юқори палата депутатлари шунингдек, федерал ҳуқуқат аъзоларига сўровлар юбориш ҳуқуқига эга.

2013 йилнинг октябрида ўтказилган сайловдан кейин парламентда икки партиядан иборат ҳукмрон коалиция яна беш йил мuddатга, 186 ўринли Миллий кенгашдаги кўпчилик макомини сақлаб қоладиган бўлди. Коалициядаги социал-демократлар 27,1 фойз, консерватив Халқ партияси 23,8 фойз овоз тўплади. Бу партиялар бирлигини сақлаб қолган ҳолда парламентда ҳам устуник қилдилар. Австриянинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 6,4 миллионли сайловчилар овози учун жами тўққизта партия кураш олиб борди. Бироқ 2008 йилги сайловда ҳам зафар қўчган Австрия социал-демократик партияси етакчиси, федерал канцлер Вернер Файман коалицион шериги Халқ партиясининг розилиги билан Вазирлар Маҳкамаси раҳбари лавозимини қайтадан эгаллади.

Мамлакат президенти Хайнц Фишер ҳам олдинроқ социал-демократлар ва Халқ партиясининг коалициясини қўллаб-қувватлашга хайрихолик билдирганди. Бу бежиз эмас, албатта. Гарчи бу икки партия тарафдорлари олдинги сайловга қараганда бирмунча камайганига қарамай, ўтган 5 йил мобайнида сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишни урдади. Мамлакат тараққиётига оид барча масалаларда яқдилликка эришилди.

Шу ўринда социал-демократлар хусусида қисқача маълумот. Социал-демократик партия 1889 йили Австрия социал-демократик ишчи партияси номи билан тузилган мамлакатдаги энг йирик партиялардан ҳисобланади. Партиянинг биринчи қурултойи 1874 йили Нойдорфль шаҳрида ўтказилган. Партиянинг 1888 йил 30 декабрдан 1889 йил 1 январгача Хайнфельда бўлиб ўтган қурултойида аъзолар томонидан асосий тамойиллар тўғрисидаги Декларация қабул қилинган. 1889 йил 12 июлда унинг муассислигида «Arbeiter-Zeitung» газетасининг биринчи сони нашрдан чиқди. XX аср бошларида партия аъзолари айниқса, Вена, Богемия, Моравия, Штирия, куйи ва юқори Австрия каби санатлашган ҳудудларда ўсишда давом этди.

1920 йилларда партиянинг жамиятдаги обрў-эътибори охиб кетди. Бироқ ҳокимият тепасига фашистик кучларнинг келиши билан, 1930 йиллардан то иккинчи жаҳон уруши якунланганига қадар социал-демократлар қатағонга учради. Партия фаолияти буткул таққиланди. Мамлакат нацистлардан озод қилинган, мазкур сиёсий куч Социалистик партия номи билан қайта тўғилди. 1991 йилдан эътиборан партия эски номига қайта тикланди.



1970-2000 ва 2008 йиллари партия вакиллари Австрияда ҳуқуқат тепасига келишган. Номини социал-демократик бўлса-да, АСДП либерал ғояларни ҳам ўзлаштирган сиёсий куч ҳисобланади.

1955 йил 26 октябрдан Австрия ташқи сиёсати доимий нейтралитетга асосланган халқаро ҳуқуқий маком билан олиб борилди. Нейтралитет мамлакатнинг ташқи сиёсий имкониятларини кенгайтирди. Хусусан, совуқ уруш йилларида бетараф Австрия Фарб ва Шарқ ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтади. 1980 йиллари ниҳоятда бетарафлик янги халқаро шароитларга мослаша бошларди ва 1995 йили Австрия Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирди.

1990 йиллар охирига келиб австриялик кўллаб сиёсатчилар нейтралитетни бекор қилиш ва НАТОга, аъзоликнинг қанчалар мақсадга мувофиқлиги бораси-

даги масалани кўтардилар. Бироқ мамлакат аҳолиси ва ўша пайтдаги муҳолиф социал-демократлар каби партияларнинг қаршилиги туфайли мазкур ғоя амалга ошмади.

Австрия — саноати ва аграр тизими ривожланган давлат. 2010 йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 284 миллиард еврога тенг бўлди. Альп ўлкасининг иқтисодий инфляция ва ишсизлик даражасининг ўта пастлиги билан ажралиб туради.

Шунга қарамай, Австрия иқтисодийотида ҳам Европа интеграцияси билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Ягона Европа мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган рақобат курашининг янги шартлари агро-саноат тизимида ташвиш уйғотмоқда. Европа Иттифоқининг квоталаш ва нарх белгилаш сиёсати қишлоқ ҳўжалиги ривожига салбий таъсир кўрсатган бўлиб, бу сиёсат борган сари маҳаллий фермерлар

норозилигига сабаб бўлапти. Ҳукмрон коалициянинг бу ғалги сайловда олдингисидан кўра камроқ овоз тўплаши ҳам қисман шу омил билан изоҳланади. Мамлакат сайёҳлик индустрияси ҳам гуллаб-яшнаётганлигини таъкидламоқ жоиз. Австрияга ҳар йили камида 15 миллион сайёҳнинг ташрифи хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожига ҳам бекиёс ҳисса қўшди.

Шу ўринда давлат сиёсий тизимининг ривожланиш даражаси ундаги демократик институтлар сони билан эмас, балки сиёсат ҳақида мунтазам фикрлайдиган аҳоли вакиллари, яъни сиёсий фаол фуқароларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланишини ёдга олиш эътиборга молик. Айнан Австрия фуқароларининг сиёсий уйғоқлиги мамлакатни бугунги тараққиётга етаклади.

Камола АЛИЕВА,
ТДЮУ ўқитувчиси

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

микромолиявий хизматлар афзалликлари

Молия муассасаларида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётда фаол иштирок этмоқда. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолини микромолиявий қўллаб-қувватлаш мақсадига ташкил этилган «Микрокредитбанк» мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, энг чекка туман, қишлоқлар аҳолисида катта ишонч уйғотди.


Банк ташкил этилган биринчи кунидан микромолиявий хизматларнинг иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги асосий мақсадлари белгилаб олинди. Унинг иқтисодий йўналишида кўйган асосий мақсадларидан бири микрокорхоналарнинг бошланғич маблағини шакллантириш, айланма маблағини тўлдирish, банкдан кейинги кредитларни олиш учун кредит тарихини шакллантириш ҳисобланади. Ижтимоий йўналишдаги мақсади ишсизликка барҳам бериш, аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Бугунги кунда мазкур молия муассасаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан 200 баробаригача бошланғич сармоя шаклида микрокредитлар ажратилимоқда. Демак, бунда яқка тартибдаги тадбиркор энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан, юридик деҳқон ҳўжалиги, микрофирма энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан ҳамда фермер ҳўжаликларини энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан бошланғич сармоя микрокредитларидан фойдаланишлари мумкин. Янги ташкил этилган юқорида санаб ўтилган

субъектлар бошланғич сармояни шакллантиришга имтиёзли микрокредит олишлари учун давлат рўйхатидан ўтгач, 6 ой давомида банкка мурожаат этишлари лозим.

Микрокредитнинг кейинги йўналиши бу кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдирish мақсадлари учун ажратиладиган микрокредит ҳисобланади. Унинг миқдори энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача (48 млн. 52,5 минг сўм) бўлган миқдорни ташкил этади.

Шунингдек, кўрсатиладиган микролизинг хизматлари миқдори энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача (192 млн. 210 минг сўм) бўлган суммани ташкил этади. Банк томонидан кичик бизнес субъектларига тақлиф этилаётган микромолиявий хизматларнинг ўзига хос қатор афзалликлари мавжуд. Жумладан, ресурсларнинг имтиёзли фойз ставкасида эканлиги, бу банк томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар фойз ставкаларида, хусусан, бошланғич микрокредит учун йиллик 3 фойз ҳисобидан, корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун ажратилаётган микрокредитлар қайта молиялаш ставкасининг 50 фойзи ёки йиллик 5 фойз ҳисоби-



Самарқанд туманидаги “Зулфия” хусусий корхонаси модернизация ишлари амалга ошириб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришида “Микрокредитбанк” оқчи акциядорлик-тижорат банкнинг молиявий кўмаги катта бўлди. Банк томонидан берилган кредит ҳисобига ёғочни қайта ишлаш ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган технологиялар келтирилди. Натижасида йиғирмадан ортиқ турдаги сифатли мебель маҳсулотлари тайёрлаш йўлига кўйилди. Кичик корхонада меҳнат қилган ўттиз нафарга яқин ишчиининг аксарияти ёшлардир.

Суратда: корхона ишчиси Жасур Мажидов.

дан ҳамда микролизинг хизматлари йиллик 5 фойз ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Биргина мисол, янги ташкил этилган микрокредитнинг энг кам суммасини (4 млн. 805,25 минг сўм) олган яқка тартибдаги тадбиркор 1 ой мобайнида 12 минг 13 сўм фойз тўлови тўлайди, холос. Яна бир афзаллиги, мазкур кредитлардан фойдаланиш учун банк филиалларига таъриф буюрган фуқаролар махсус сертификатга эга бўлган банкнинг маблағли ходимлари томонидан ташкил этиладиган базавий семинарларда бепул ўқитиладилар.

Бу каби имтиёзларнинг яратилиши эса қўллаб оилаларнинг турмуш фаровонлиги таъминла-

нишида, янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош шаҳрида «Ко’р Тагмоқли Тахياتош Tibbiyot» хусусий корхонасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга 5,0 млн. сўм миқдоридан бошланғич сармоя маблағи, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадларида (тиббий хизмат кўрсатиш, сиҳаттоқ жилаҳозларини харид қилишга) 25,0 млн. сўм миқдоридан кредит ажратилган натижасида 15 та янги иш ўрни яратилган.

Эки, Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги «Узун Авторем-сервис» хусусий корхонасида автотомобилларга сервис хизмати кўрсатиш мақсадига 36,0 млн. сўм миқдорда банк кредити аж-

ратилиб, 4 та янги иш ўрни яратилган сўзимизнинг исботидир. Дарҳақиқат, бугун мана шундай тадбиркорларимиз ҳиссаси туфайли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ишлаб чиқаришда етакчилик қилмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун банкнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан биргина 2013 йил давомида иқтисодийнинг реал секторига ажратилган кредитлар 498 миллиард сўмни ташкил этгани ёки кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳажми 246 миллиард сўмга етказилгани, қолаверса, мазкур маблағлар эвазига юртимизда қарийб 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилгани бунинг тасдиғи дейиш мумкин, албатта.

Микрокредит ажратилишида талаб қилинадиган ҳужжатлар тартиби соддалаштирилган. Тадбиркорлик субъекти кредит аризасига 3 та ҳужжати илова қилади. Булар пул оқимлари кўрсатилган бизнес-режа, таъминот ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоботи ҳисобланади. Яқка тартибдаги тадбиркорлар эса аризага 2 та ҳужжати, яъни бизнес-режа ва таъминот билан боғлиқ бўлган дастлабки маълумотларни тақдим этадилар.

Шунингдек, кичик миқдордаги микрокредитнинг қайтарилишини таъминлаш манбаларида ноанъанавий таъминот турларини қўллалиши, жумладан, қимматли буюмларнинг олиншини, кичик кредитларнинг жисмоний шахс қафиллиги асосида ажратилиши ҳамда суғурта полиси таъминоти асосида, манзилли туманларда гуруҳ қафиллиги асосида синав лойиҳаларининг амалга оширилиши билан қўллаб тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ миқдорда микрокорхоналардан фойдаланиш имкониятларини яратиш бермоқда.

Янги ташкил этилган юридик

шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратиладиган микрокредитларга истисносиз энг кам иш ҳақининг 30 баробари миқдоригача жисмоний шахс қафиллиги асосида ажратилади. Кафил сифатида — бюджет корхоналарида ишлаётган ишчи-хотимларнинг қафиллиги қабул қилинади.

Кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар «Республикада янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» Дастури параметрларида қайд этилган барча бандлик йўналишлари бўйича, жумладан, янги ташкил этиладиган кичик корхона ва микрофирмаларга ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш учун бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, паррандачилик, балиқчилик ва ассларичиликни ривожлантириш мақсадлари учун йўналтирилмоқда.

Айниқса, 2013 йил давомида ёшларни, хусусан, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бора-бора молиявий ва ташкилий кўмак бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, унга кўра йил давомида коллеж битирувчиларига 19,1 млрд. сўм миқдоридан (ўтган йилга нисбатан 2 баробарга кўп) микрокредит ажратиш мўлжалланди ва республиканинг барча ҳудудларида вилоят ўрта махсус касб-хўнакор коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда.

Ҳамкорлик доирасида республикадаги касб-хўнакор коллежлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёш тадбиркор» консультатив марказларида амалга ошириладиган намунали бизнес-режалар тўпламининг электрон базаси шакллантирилди, намунали бизнес-режалар тўпламининг электрон базаси вилоят коллежлар бошқармаларига ва «Камолот» ЕИХ «Ёш тадбиркор» консультатив марказларига мунтазам равишда тақдим



MIKROKREDITBANK

этилмоқда ҳамда битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини амалга оширишда ўрта махсус касб-хўнакор таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мисол учун, Косонсойдаги Саноат-транспорт ва алоқа коллежи битирувчиси Адхамхон Ҳошимхановга замонавий электр пайвандчиликни ривожлантириш мақсадида 3,9 млн. сўм бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилган бўлиб, бунинг ҳисобига битта янги иш ўрни яратилган.

Шунингдек, Янгибод туманида касб-хўнакор коллежи битирувчилари Н.Холбеков ва Ж.Муस्ताфоқовга сартарошлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 3,1 млн. сўмдан бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилиши натижасида чекка туманда 2 нафар янги иш ўринлари очилди, шунингдек, сартарошхона фаолияти йўлга қўйилди ҳамда Фориш тумани Янгиқошқол маънавий хизмат кўрсатиш касб-хўнакор коллежи битирувчиси Ю.Қозоқова ва Фориш тумани Эгизбулоқ қишлоқ ҳўжалик касб-хўнакор коллежи битирувчиси Ч.Ҳўжамқуловага тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун 2,4 млн. сўмдан бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилди.

Албатта, банк фаолиятининг асосий мақсад микрокорхоналарнинг бошланғич маблағини шакллантириш ва айланма маблағини тўлдирish, шунингдек, ўзгаришларга тез мослашувчан, ўзини-ўзи қоплайдиган молиявий ташкилотларни, касб-хўнакор коллежи битирувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган микромолиявий кўмак ва хизматлар аҳоли турмуши фаровонлиги ва мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилади.

Банк матбуот хизмати

Муяссар БЕРДИҚУЛОВА:

«Ўзимни бахтли аёл, деб биламан»

Давоми. Боши 1-бетда

— Сизни ҳаққимиз истеъдодли актриса сифатида яхши танийди, ҳурмат қилади. Бироқ санъатга кириб келишингиз тарихини барча муҳлисларингиз ҳам яхши билмас керак. Келинг, суҳбатимиз дебocasида шу дамларни бироз ёдга олак.

— Назаримда, ҳар қандай касб эгаси, хоҳ шифокор бўлсин, хоҳ ўқитувчи, барчага ҳам ёшлиқни ёдга олиш ўзгача завқ бағишласа керак. Гарчи менга бу саволни кўпчилик оммавий ахборот воситалари вакиллари ёки муҳлислари беришган бўлса-да, ҳар сафар ҳайрат ва шижоатга бой бўлган ёшлик онларимни ёдга олар эканман, ўша дамларга бироз қайтандек ҳис қиламан ўзимни. Табиатан романтик бўлганим сабабли ҳинд кинофильмларини севиб томоша қилардим. Вилотимизга устоз санъаткорларимиз гастроль сафари билан келишиб, спектакллар намойиш қилишарди, уларни ҳам қанда қилмасдим. Хуллас, ўша пайтларда кўрган фильм-спектакллардан таъсирланиб, санъат соҳасини танлашга қарор қилдим. Дастлаб отам танлаган йўлимга бироз рўйхўшлик бермадилар. Бироқ мендаги иштиёқни сўндирмаслик учунми ёки ижодкор бир янганнинг тушунтиришлари иш бердим, хуллас, менга оқ фотиҳа бериб, Намангандан Тошкентга кузатдилар.

Шу ўринда санъат олийгоҳида таҳсил олишимда мени санъатга янада қизиқтирган, шу соҳадаги илк устозим — ўша вақтларда «Ўзбекистон» телеканалнинг катта режиссёрларидан бири сифатида фаолият юритган Абдухалил Мамадалиевнинг ҳиссаси юқори бўлганлигини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Ўша вақтларда Тошкент Театр ва рассомчилик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)га шу киши мени бошлаб келганлар. Биласизми, олийгоҳимизга илк бора борганимни кечагидек эсламан. Кўчадан кириб боришдаёқ, ҳаттоки, олийгоҳнинг зиналари, йўлакчаларида аллақандай ижодий муҳитни ҳис қилганман. Устозим билан ҳамкорликда имтиҳоннинг саралаш турларидан ўтиш учун анча муддат тайёргарлик кўрганмиз. Синов кунни деярли барча босқичдан муваффақиятли ўтганман, фақатгина кўшиқ куйлашда бироз оҳанга туша олмаганимдан кайфиятим тушиб кетган эди. Шуни сезган имтиҳон олувчилардан бири, кейинчалик биз, талабаларга сабоқ берган домлам Арсен



Исмоилов (кейин билсам, менин рухан тайёргарлигимни ҳам синаш мақсадида) ҳазиллашиб, ёнидаги шерикларига «Нима қиламиз, энди бу қизни, йўқитамизми?» деганларида, қаттиқ таъсирланиб, хонадан чиққанидан кейин тўлиб кетиб йиғлаб юборганимни, ўша кунни томоғимдан ҳеч нима ўтмаганини эсламан.

— «Укубат» фильмида одам савдоси билан шугулланувчи, ўз мақсади йўлида қанчадан-қанча ёш қизларнинг орзуси, ҳаёти, келажакга раҳна солган аёл — Райҳонни ижро этгансиз. Айтинг-чи, нима деб ўйлайсиз, ёш ўғил-қизларимиз шундай аёлларнинг домга тушиб қолмасликлари учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Авваламбор, ўғилми, қизми, фарзандларимизга таълим билан бирга тўғри тарбия беришимиз керак. Тўғри тарбия бу — тинимсиз ва мазмунсиз назорат ёки ўта қаттиққўллик кўринишида эмас, балки ота ва онанинг баалоғатга етаётган ўсимир йиғитлар, қизлар билан самимий сириндошлиги, қайсидир маънодаги дўстлигини назарда тутиши керак. Баъзан одамлар орасида фарзандини жуда бўш қўйган ёки аксинча жуда қаттиқ сиқув остига олиб тарбиялаётганларини учратиб қоламиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам фарзанд ота-онани ёки писанд қилмай қўйиши ёки жуда ҳам улардан совиб, безиллаб қолиши мумкин. Шундай пайтларда Райҳон сингари фарибгар, худбин кимсалар ёш йигит-қизнинг кўз ўнгида фаришта ёки аллақандай қутқарувчи сиймо сифатида гавдаланади. Албатта, бундай ёшлар аслида ота-онадан бўлак содик ҳамроҳ йўқлигини кейин англаб етишадилар, лекин унда кеч бўлиб қолиши мумкин.

Шу ўринда яна бир гап. Инсон борки, ўз фарзандининг бахти-камолини кўргиси келадди. Айниқса, ўзбек халқи — бо-

лажон халқ. Аммо аксарият ота-оналаримиз мен кўрмаганни болам кўрсин деган меҳрибонлик туйғусини тор маънода тушунишдади, яъни мен кўрмаганим наздида фақатгина еб-ичиш, кийиниш сингаридан кўра, кайфиятдаги фуқаро билан мунтазам муросага келишлари, ҳар қандай вазимини ҳам қонуний, ҳам инсонийлик жиҳатидан тўғри ҳал эта олишлари, зарурат туғилганда қаттиққўл, керак бўлса меҳрибон бўла олишлари мумкин эканлигига амин бўлдим.

Эдингизда бўлса, фильмдаги қаҳрамоним истеъдодли ҳамкасбим Муқаддас опа Холқова тимсолидаги жанжалкаш фуқаро Халима опа билан босиқлик билан муомила қилади. Мухими, қаҳрамоним қонун асосида иш кўриши маҳалла аҳлига бу борада тўғри маслаҳат бера олиш салоҳиятига эга, адолатли маҳалла маслаҳатчиси.

— 2013 йил «Виждон» фильмида маҳалла раиси маслаҳатчиси ролида суратга тушдингиз. Айна шу йил республикамизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлов бўлиб ўтди. Нима деб ўйлайсиз, маҳалла раиси ва маслаҳатчилари қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

— Азалдан халқимиз яхши-ёмон кунларини маҳалла билан баҳамжихатликда ўтказишга одатланган. Бугунги кунда маҳаллага бўлган эътибор янада ортиб, унинг нуфузи, ваколат доираси кенгайди, айни пайтда мажбуриятлари ҳам кўпайди. Ушбу жараёнда фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари зиммасига катта масъулият юклаган. Фикримча, маҳалла раиси ва маслаҳатчилари ҳар томонлама вазмин, ақлли, замон билан ҳамнафас фикрлайдиган, маҳалла аҳлида бир-бирига нисбатан аҳиллик, меҳр-оқибат, бағрикенглик сингари ҳис-туйғуларни уйғота оладиган, фидойи инсонлар бўлиши керак.

деб ўйлайман. Фильмда роль ижро этишдан олдин маҳалла раиси маслаҳатчилари турмуш тарзи, иш жараёнлари билан яқиндан танишдим. Шунда уларнинг фильмдагидек турли хил дунёқараш, кайфиятдаги фуқаро билан мунтазам муросага келишлари, ҳар қандай вазимини ҳам қонуний, ҳам инсонийлик жиҳатидан тўғри ҳал эта олишлари, зарурат туғилганда қаттиққўл, керак бўлса меҳрибон бўла олишлари мумкин эканлигига амин бўлдим.

— Партиялар фаолияти билан қизиқиб турасизми? «Адолат» социал-демократик партиясининг жойлардаги ҳудудий кенгашида кенг жамоатчиликни эрта никоҳ, одам савдоси сингари иллатларга қарши курашишга чорлайдиган тadbирлар, давра суҳбатлари ўтказилиб турилишдан хабарингиз бўлса керак?

— Албатта, имкон қадар ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шу жумладан, сиёсий партиялар кинрига ташаббуслар билан танишиб туришга ҳаракат қиламан. Бу каби иллатларга қарши курашишга, шунингдек ёшлар, хотин-қизларнинг фаолигини оширишга ҳам ҳизмат қилаётган «Адолат» партиясига ҳурматим баланд.

— Ҳозиргина фильмдан олдинки хулоса ҳақида сўз юрдингиз. Сизнинг турмуш тарзингиз, фикрлаш дунёқарашингизга таъсир кўрсата олган фильмлар борми? Уларда роль ижро этгансизми?

— Албатта, ҳар бир фильм томошабин билан бир пайтда унда роль ўйнаётган санъаткорларга маънавий озуқа, хулоса бера оладиган даражада кучли гоёга асосланиши керак, деб ҳисоблайман. Сўнгги пайтларда бундай фильмлар сони ортиб бораёпти. Масалан, «Виждон» фильмида эл-юрт фаровонлиги учун куйиб ёнаётган, элнинг қорига ярайдиган, ўз манфаатидан халқ манфаатини устун қўядиган маҳалла раиси ва маслаҳатчилари тимсолида замонамиз қаҳрамони акс эттирилган бўлса, «Тубанлик» фильмида эрта никоҳнинг салбий оқибатлари

хусусида, «Укубат» фильмидан эса фарзандлар тарбиясига чуқурроқ аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақида жиддий хулосалар чиқарганман. Ўзимнинг уч қизим бор. Шу фильмлардан сўнг уларнинг кун тартиби, турмуш тарзи, фикрлашига янада кўпроқ эътибор қаратишга киришганман. Умуман халқимизни оғоҳликка, ҳушёрликка, маънавий юксалишга чорлайдиган фильмларни кўпайтириш керак, деб ўйлайман.

— Албатта, имкон қадар ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шу жумладан, сиёсий партиялар кинрига ташаббуслар билан танишиб туришга ҳаракат қиламан. Бу каби иллатларга қарши курашишга, шунингдек ёшлар, хотин-қизларнинг фаолигини оширишга ҳам ҳизмат қилаётган «Адолат» партиясига ҳурматим баланд. Ўйлайманки, партия юртимиздаги ёшлар ва хотин-қизларимизнинг маънавий-маърифий, сиёсий дунёсини бойитишга, шу орқали мамлакатимиз ривожига қўшаётган ҳиссасини янада ошириб боради.

— Бахт сиз учун нима?

— Бахт — бу мен учун юртимиз тинчлиги, оилавий хотиржамлик, шукроналик, сабр-тоқат, саломатлик. Шукрки, ўзимни бахтли аёл, деб билман.

Сўхбатдош: Соодат СОДИҚОВА, «Adolat» мухбири

Reklama

Банклар — бизнес таянчи

Мамакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаб, ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар бир пайтлар аграр ҳудуд бўлган Сурхондарё вилоятини саноати юксалган воҳага айлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Фаровон турмушимиз кафолати

Ўтган йили кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг вилот яппи ҳудудий маҳсулотидеги улуши қарийб 80 фоизни ташкил этаётгани ҳам хусусий секторга кўрсатилаётган эътибор самарасидир. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган ишлар бу борадаги ютуқлар омили бўлди. Шунга мувофиқ ўтган йили тижорат банклари томонидан вилотда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмини 1,3 баробардан кам бўлмаган миқдорда ошириш белгилаб олинган эди. Дастур доирасида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 310 млрд. 747 млн.сўмни ташкил этиб, бу борадаги кўрсаткич 151,7 фоизга бажарилди. Ёки ажратилган кредит маблағлари ҳисобига 16 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда аҳолини сифатли, арзон ва табиий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Ўтган йили тижорат банклари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, тadbиркорларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бизнес гоёларини молиявий қўллаб-қувватлади. Натижда вилот кишлоқларида қатор замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, рақобатбардори маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шунингдек, тижорат банкларининг молиявий кўмагида ўйлаб хусусий корхоналарга хорижий замонавий ускуналари ўрнатилди. Масалан, Кумкўрғон туманидаги «Анварбек-Элдорбек» кўп тармоқли хусусий корхонасида «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Кумкўрғон филиали 300 миллион сўм кредит маблағи ажратди. Тadbиркор Гулчехра Умарқуллова банк кўмаги ва ўз маблағи ҳисобидан Богаро маҳалласида хориж технологияси билан жиҳозланган ўсимлик ёши ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди. Айни пайтда янги корхонада 31 киши меҳнат қилиб, ҳар кун уртача 50 тонна масхар, кунгабоқар ва зигир ёғи ишлаб чиқарилади. Жорий йилда тadbиркор аёл корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш эвазига яна 40 га яқин ёшларнинг бандлигини таъминлашни мўлжаллаётди. Молия институтлари ёрдамида янги ишга туширилаётган хусусий корхоналарга коллеж битирувчиларининг ишга қабул қилинаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, «Анварбек-Элдорбек» кўп тармоқли хусусий корхонасининг ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш заводида беш нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилиб, «Сурхон гули» тамгаси билан тайёрланаётган арзон ва сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшаётди.

Термиз шаҳридаги «Surxandaryo Savdo Impex» масъулияти чекланган жамиятига қондир маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилган. Ўтган йили маҳсулот турини кўпайтириш учун «Траст-банк»нинг Термиз филиали хусусий корхонага 350 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратди. Бунинг эвазига тadbиркор Хитой Республикасидан керакли асбоб-ускуна келтириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини 12 тага етказди, 20 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда ҳар кун икки тонна сифатли, арзон ва ширин маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб берапти.

Вилотда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам кенг кўламда ривожланиб бораётди. Хусусий сектор молия муассасалари томонидан қўллаб-қувватланаётгани тadbиркорларда ушбу соҳага катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур тармоқ учун ўтган йили белгиланган режа 115,4 фоизга бажарилиб, қарийб 70 миллиард сўм кредит маблағи ажратилган бўлган эканлиги мисоллар. Жумладан, ўтган йили Жарқурғон туманидаги «Тела Текстайл» қўшма корхонасининг тайёр газлама ишлаб чиқариш лойиҳасига вилот «Асака» банки 14 млрд. 900 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратди. Ҳозир замонавий технология билан жиҳозланаётган янги корхонани фойдаланишга топширишга ҳозирлик қилинмоқда. Корхонанинг ишга туширилиши билан туманда 230 янги иш ўрни яратилди.

Тadbиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, илмий тadbиркорлик, ҳунармандчилик ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда ҳам тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим аҳамият касб этаётди. «Обод турмуш йили»да ана шу соҳалар учун молия институтлари 105 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратди. Касб-ҳунар коллежларини тугатиб, хусусий секторда фаолият юритиш истагини билдирган йигит-қизларнинг молиявий рағбатлантирилаётгани ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ўтган йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 807 коллеж битирувчиларига олти миллиард сўмдан ортиқ микрокредит маблағлари ажратилиб, уларнинг ўз бизнесини кенг йўлга қўйиши учун қўлай имконият яратиб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, молия муассасалари хусусий секторни юксалтиришда тadbиркорларга энг яқин кўмакчи бўлиб, аҳоли фаровонлигини ва уларнинг осойишта, обод турмушини таъминлашда етакчи кучга айланаётди.

Олим ЭСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Сурхондарё
вилоят бош бошқармасининг
бўлим бошлиғи

«SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти Очiq танлов савдоларига таклиф этади

Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Ёшудовон тумани ҳокимининг 2013 йил 16 августдаги 368-сонли қарорларига асосан Ёшудовон тумани «Сармижон» ҚФЙ, Оқгул аҳоли пункти ҳудудидан савдо дўкон ва автобекат қуриш учун мўлжалланган 130,0 кв.м.дан иборат тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаси танловга қўйилмоқда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 51 496 сўм.

Талабгорлар диққатига!
Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов голиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ёшудовон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилди. Танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 15 февраль кун соат 18:00 да (яқшанбадан ташқари) тўхтатилади.
Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар танлов ташкилотчиси «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар «Ипотека банк» Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиздан кам бўлмаган миқдордаги заклат пулини тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ёшудовон тумани ҳокимлиги биносидан 2014 йил 17 февраль кун соат 11-00 да очилди ва танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди.
Оқорилдаги ер участкасининг лойиҳи фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 17 февралда-

ги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил 24 февраль, 3,10,17 март кунлари соат 11:00 да Ёшудовон тумани ҳокимлиги биносидан бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчиси танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчиси буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юрдик шахслар-давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар-паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига заклат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.
- Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
- Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй.
Телефон: 8 (365) 221-51-62.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши
Табрир ҳайати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Адаулолла РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошбад МАТИБАЕВ, Алимшар МУМИНОВ.
Бош муҳаррир вазирасини бажарувчи: Абдуваҳаб САЙБНАЗАРОВ
Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавий, хатар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).
Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлошев. Навбатчи — Фулом Хидиров.
«Adolat»дан кўчириб босиш тadbиркорлик рўқсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Табрирчи манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz
adolat_gazeta@mail.ru
Газета Ўзбекистон Мотбфот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.
НАШР КўРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2013-5217
«Шарқ» НМАК босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Т—100. Ҳажми — 4 босма табақ. Обфет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 10840. Босишга топшириш вақти — 21.10. Босишга топширилди — 23.00
1 2 3 5
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши партиянинг Мирзо Улуғбек тумани кенгаши раиси Адолат Яхъёевага падари буюрқовори
ХОЖИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.